

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 89: 371-3

НИЁЗМЕТОВА РОЗА ХАСАНОВНА

**УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИ
ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДИК АСОСЛАРИ
(рус гуруҳлари мисолида)**

13.00.02 – таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек адабиёти)

Педагогика фанлари доктори илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2007

Тадқиқот Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси кафедрасида тайёрланган

Илмий маслаҳатчи: филология фанлари доктори, профессор
Боқижон Тўхлиев

Расмий оппонентлар: ЎзР ФА академиги **Бахтиёр Назаров**
педагогика фанлари доктори,
профессор **Сапа Матчонов**
педагогика фанлари доктори,
профессор **Ойниса Мусурмонова**

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги К.067.18.02 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2007 йил «___» _____да соат ___ да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 700064, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй.
E – mail: ik2_tdpu_uz@mail.ru

Диссертация билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Асосий кутубхонасида (Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй) танишиш мумкин.

Автореферат 2007 йил «___» _____да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби:

ф.ф.н. Ш. Исаева

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасининг барча таълим босқичларидаги таълим ва тарбия жараёнини давр талаблари асосида, ижтимоий-иқтисодий ислохотларга мос равишда узлуксизлик ва узвийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда янги педагогик технология даражасида, шунингдек, ахборот технологияларидан фойдаланиб ташкил этишнинг мазмуни, шакллари, воситалари, метод ва усулларини излаш, ишлаб чиқиш, миллий педагогика фанининг талаблари асосида мактаб адабий таълимида рўй берган ўзгаришларни амалиётга татбиқ этиш ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашнинг муҳим омилларидан ҳисобланади. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидаги ўзбек тили дарсларида адабий материалларни ўрганиш ишларини ана шу йўсинда йўлга қўйиш талаб этилади. Бадиий асар – юксак эстетик кадрят. У ўсиб келаётган ёш авлоднинг ахлоқий изланишлари манбаи ҳамдир.

Шу ўринда муҳтарам Президентимизнинг “Фидокор” газетаси муҳбири саволларига берган жавобларидаги бир нуқтани эслаш ўринли бўлади: “...биринчи галда тараққиётимизнинг ҳар бир йўналиши - жамиятимиздаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий муносабатларнинг ривожига ҳақида махсус дарсликлар, қўлланмалар, оммавий адабиётлар яратиш зарур”¹.

Маълумки, одатда русийзабон ўқувчилар учун мўлжалланган “Ўзбек тили” дарсликлари ва ўқув қўлланмаларининг асосий қисмини ташкил қиладиган руҳсиз, сира ҳам ҳиссиёт уйғотмайдиган илмий мақола типига оддий ўқув матнига қараганда адабий материаллар жуда катта таълимий ва тарбиявий кучга эга бўлади. Узлуксиз ўзбек тили таълими жараёнида русийзабон ўқувчиларнинг ўзбек халқи маданиятидан хабардор, миллий маънавият ва миллий истиқлол мафкураси ғоялари руҳида тарбия топган кадрлар бўлиб етишишлари учун ўзбек адабиёти асарларидан фойдаланиш муҳим роль ўйнайди. Бунинг учун эса ана шу адабий материалларни ўрганиш мазмуни ва методикаси, янги замонавий педагогик технологиялари даражасида ишлаб чиқилган бўлиши лозим.

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўзбек тили машғулотларида, яъни узлуксиз ўзбек тили таълими тизимида адабий материалларни ўрганишнинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти беҳад катта эканлиги, русийзабон ўқувчиларнинг бадиий матнларни ўқиб идрок этишларини таъминлаш зарурлиги ўзбек тилини ўқитиш методикасида янгилик бўлганлиги учун жиддий изланишларни тақозо этади. Шунинг ҳам эслатиш жоизки, бугунги кунда ўзбек тили ўқитувчилари адабий материал ўтилади ҳам одат бўйича илмий мақола типига оддий ўқув матнини ўқиб ўрганишгагина хос методикани қўлламоқдалар. Бу методикада эса матн мазмунини тушуниш, шу мақсадда уни рус тилига таржима қилиш, матн мазмуни юзасидан савол-жавоб ўтказиш, мазмунини қайта ҳикоя қилдириш

¹ Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ этиқоди ва буюк келажакка ишончдир. “Fidokor” газетаси муҳбири саволларига жавоблар. - Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 19– 20 бетлар.

каби иш турлари билангина чекланилади, бу ерда бадий асар устидаги асосий ишлар ўз ифодасини топмайди. Ўзбек адабиётининг нодир дурдонаси бўлмиш бадий матнни мақола типигаги матнга ўхшатиб рус тилига таржима қилиш эса машаққатли меҳнатга айланиб, биринчидан, дарсда кўп вақтни олса, иккинчидан, ўқувчини жуда толиқтиради. Натижада у бундай матнлардан тарбия топиш, завқ олиш ўрнига улардан беа бошлайди. Шунга кўра ҳам академик лицей ва касб-хунар коллежларида адабий материални ўрганиш мазмуни ва методларини ишлаб чиқиш масаласи мураккаб, айти пайтда долзарб педагогик муаммо бўлиб, унинг назарий ва методик асослари тадқиқ этилмаса, бу борада ўқитувчиларга тўғри йўл кўрсатилмаса, кўзланган мақсадга эришиш қийинлигича қолаверади. Худди шунинг учун ҳам бу жараённинг психологик асосларини ўрганмасдан, масаланинг мавжуд ҳолатини атрофлича таҳлил қилмасдан, таълимнинг турли босқичлари орасидаги узвийлик ва узлуксизлик муаммоларини ҳал этмасдан туриб бу борада жиддий ютуқларни қўлга киритиш мумкин эмас. Тил ўрганишнинг асосий босқичларидан бири сифатида ўрта махсус ва касб-хунар таълими босқичи тан олинар экан, шу босқичда адабий материалларнинг ўрганилишидаги ўзига хос ёндашув, етакчи принцип ва асосий йўналишлар белгиланишига кучли зарурат сезилади. Адабиёт фани учун махсус соатларнинг мавжуд эмаслиги муаммонинг ечимларини янада мураккаблаштиради. Шунга кўра, иккинчи тилга оид адабий материалларни ўрганишда синфдан ва мактабдан ташқари машғулотларнинг имконият-ларидан фойдаланиш эҳтиёжи ҳам очиқ сезилади. Буларнинг барчаси танлаган мавзумизнинг нақадар долзарб ва муҳимлигини белгилаб беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шу кунга қадар таълим рус тилида олиб бориладиган синф (гурух)ларда ўзбек адабиёти намуналарини ўрганиш мазмуни қисман тадқиқ этилган бўлса-да, бадий асарлар ва улардан олинган парчалар устида ишлаш методикаси деярли ишланмаган. Қ.Хусанбоеванинг “Ўзбек адабиётини таълим давлат тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўқитишнинг илмий-методик асослари” мавзусидаги номзодлик диссертацияси¹, ўзбек мумтоз адабиётини ўқитиш мазмунига доир айрим ўқув материаллари², дарс ишланмалари, мақолалари³, таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарслари таркибида ХХ аср ўзбек адабиётини ўқитиш мазмунини белгилаш муаммолари юзасидан Р.Ниёзметованинг номзодлик иши⁴ мавжуд, холос.

Е.Абдувалитовнинг “Таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактабларнинг V-IX синфларида ўзбек адабиётини тил таркибида ўқитиш асослари”

¹ Хусанбоева Қ. Ўзбек адабиётини таълим давлат тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўқитишнинг илмий-методик асослари: Пед. фан. номз... дисс. автореферати. - Т., 1997.

² Хусанбоева Қ. Рус мактабларида ўзбек мумтоз адабиётини ўқитишга доир ўқув материаллари. - Т.: ЎзПФТИ, 1994.

³ Хусанбоева Қ. Ноўзбек мактабларида ўзбек адабиётини ўқитишда шарҳли ваъзлар мазмунини белгилаш // Рус ва қозоқ мактаблари ҳамда муассасаларида ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш масалалари: Илмий мақолалар тўплами. – Т.: ЎзПФТИ, 1997. – Б. 38-46.

⁴ Ниёзметова Р. Х. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда ХХ аср адабиётини ўқитиш мазмунини белгилашнинг назарий-методик асослари /ўзбек тили дарслари таркибида/. Пед.фан.номз. ... дисс. автореферати. - Т., 2000.

мавзусидаги тадқиқот ишида¹ қозоқ тилида сўзловчи ўқувчиларга ўзбек адабиётини ўқитиш тамойиллари, бугунги муаммолари, адабиёт дарсларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш усуллари, ўқитиш омиллари хусусида сўз юритилган. Таклиф қилинаётган усуллар (икки адабиётни таққослаш, адабий таҳлил, билимларни баҳолаш) ўзбек мактабларида адабиёт ўқитиш методикасига яқин, чунки қозоқ тилида сўзловчи ўқувчилар ўзбек тилида бемалол фикр баён қилибгина қолмай, бадиий асарни мутолаа қилиб ҳам турадилар.

Маълумки, ўзбек мактабларида адабиёт ўқитиш методикаси ҳақида Т.Бобоев, Қ.Ўлдошев, С.Матчонов, М.Мирқосимовалар томонидан йирик тадқиқотлар амалга оширилган. Шунингдек, методист олимлар: А.Зуннунов, Қ.Аҳмедов, Ш.Орифий, Б.Жалилов, М.Шарипова, С.Исмаев, М.Мирфаёзов, О.Мусурмонова, М.Охунова, Ж.Усмонов, Қ.Хусанбоева, С.Аҳмедовлар томонидан методик қўлланмалар, монографиялар яратилган.

Шуни ҳам эслатиш лозимки, Қ.Хусанбоеванинг ишларида ўзбек мумтоз адабиётини умумий ўрта таълим босқичида ўқитиш мазмуни ёритилган, методик масалаларга оид ўзига хос тавсиялар берилган, лекин адабий материалларни ўрганиш метод ва усуллари махсус тадқиқ этилган эмас.

Алоҳида таъкидлаш ўринли бўладики, умумий ўрта таълимга қадар ҳамда ундан кейинги босқичларда бадиий матнни ўрганиш юзасидан бирор жиддийроқ мақола ҳам мавжуд эмас.

Таълим рус тилида олиб бориладиган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўзбек тили машғулотлари таркибида адабий материалларни ўрганиш ўқув фани концепциясида кўзда тутилган бўлса-да, дастурларда акс этмаган, бошқача айтганда, ушбу босқичдаги адабий таълим мазмуни ҳам, ўргатиш методикаси ҳам ишлаб чиқилмаган. Лекин таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг 2-9-синфлари “Ўзбек тили” дастур ва дарсликларида адабий материаллар муайян даражада ўз аксини топган, бинобарин, улар билан ишлашга доир айрим тажрибалар тўпланган. Шунга кўра ҳам, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида адабиёт ўқитиш мазмуни ва методларини белгилаш ишлари йўқ жойдан бошланмаслиги, 2-9-синфлар учун амалда жорий этилган таълим мазмуни ва методларига таянган, шулардан келиб чиққан ҳолда узлуксизлик ва узвийлик асосидагина ишлаб чиқилиши лозим. Таълим рус тилида олиб бориладиган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўзбек тили машғулотлари таркибида адабий материалларни ўрганиш методикасини яратиш мақсадида умумтаълим мактаблари билан узлуксизлик ва узвийликни таъминлаш зарурияти туфайли докторлик диссертацияси учун “Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганишнинг назарий ва методик асослари (рус гуруҳлари мисолида)” мавзусини танладик.

Диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикасининг “Таълим

¹ Абдувалитов Е.Б. Таълим қозоқ тилида олиб бориладиган мактабларнинг V-IX синфларида ўзбек адабиётини тил таркибида ўқитиш асослари. Пед. фан. номз. ... дисс. - Т., 2002.

тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида таълим тизимидаги муҳим муаммоларидан бири – узлуксиз таълим тизимида русийзабон ўқувчиларга ўзбек адабиётини ўқитиш, шу орқали уларнинг адабий тайёргарлигини, маънавий камолотини таъминлашнинг назарий, илмий-методик асосларини яратишга қаратилган. Тадқиқот иши Низомий номидаги ТДПУ Ўзбек тили ва адабиёти факультетидаги “Ўзбек (қозоқ) тили ва адабиётининг илмий тадқиқи ҳамда уни ўқитишнинг замонавий технологиялари” мавзусидаги умумий илмий режа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади узлуксиз таълим тизимида ўзбек тили дарс (машғулот)лари таркибида ва дарсдан ташқари тадбирларда русийзабон ўқувчиларга адабий материалларни ўргатиш мазмуни, шакллари, воситалари ва методларини тадқиқ этиш; бундаги асосий эътиборни умумий ўрта таълим ҳамда академик лицей ва касб-хунар коллежларида олиб бориладиган адабий таълим ўртасидаги узвийликни таъминлашга қаратишдан иборат.

Тадқиқот олдида турган вазифалар:

1. Таълим рус тилида олиб бориладиган академик лицей ва касб-хунар коллежларининг ўзбек тили машғулотлари таркибида адабий материаллар устида ишлашнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш, бунда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан узлуксизлик ва узвийликнинг таъминланишига эътибор бериш.

2. Миллий педагогика фанининг замонавий талаблари асосида адабий таълимда рўй берган ўзгаришларни кузатиш, улардаги ўзгаришларнинг ижобий ва салбий томонлари орасидаги мувозанатларни қиёслаш асосида тегишли хулосалар чиқариш.

3. Рус гуруҳларида адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асосларини белгилаш асосида адабий таълим мазмунини янгилаш ва такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқиш.

4. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини бошқа тил эгалари мисолида ўрганиш амалиётидаги тажрибалар ҳолатини кузатиш.

5. Узлуксиз таълим тизими ўзбек тили машғулотлари таркибида ва машғулотларидан ташқари ишларда русийзабон ўқувчиларнинг адабий материалларни ўқиб-ўрганиш имкониятларини, бадиий матнни идрок этиш хусусиятларини аниқлаш.

6. Русийзабон ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва ўзбекона адабий тайёргарлик имкониятлари доирасида таълим мазмунини такомиллаштиришга доир илмий асосланган, амалиётда текшириб кўрилган тавсиялар ишлаб чиқиш.

7. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётининг нодир намуналарини ўрганишга доир ёндашув ва принципларни белгилаш.

8. Ўзбек тили машғулотлари таркибида ва машғулотлардан ташқари тадбирларда адабий материалларни ўрганиш шакллари талқин қилиш.

9. Умумий ўрта таълим босқичининг узвий давоми сифатида русийзабон ўқувчиларга ўзбек адабиёти намуналарини ўргатиш методикасини яратиш.

10. Русийзабон ўқувчиларнинг ўзбек адабиёти намуналарини машғулотдан ташқари ўқишларига раҳбарлик қилишга доир методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

11. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётига доир материалларни ўрганишда янги, замонавий технологиялардан фойдаланишнинг ўрнини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти узлуксиз таълим тизимининг ўзбек тили дарслари таркибида, машғулотлардан ташқари тадбирларда академик лицей ва касб-хунар коллежлари русийзабон ўқувчиларининг адабий материалларни муваффақият билан ўқиб-ўрганишларини таъминлаш, мактаб адабий таълими билан узвийлашган таълим мазмуни ҳамда методик тизимни аниқлаш ва белгилаш, шу тизимни жорий этиш жараёнидир.

Тадқиқотнинг предмети узлуксиз ўзбек тили таълими жараёни учун давлат тилидан яратилган дастур ва ўқув қўлланмалари, умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида адабий материалларни ўрганиш мазмуни, шакллари, воситалари ва методлари, булардаги узлуксизлик ҳамда узвийлик, русийзабон ўқувчиларнинг имкониятлари, ўқув-билув фаолияти, янги педагогик технологиялари ҳамда ахборот технологияларининг амалиётга татбиқи ташкил этади.

Тадқиқотнинг фаразлари. Русийзабон ўқувчиларнинг ўзбек адабиёти намуналарини мутолаа қилиш имкониятлари, бадиий матнни идрок этишларидаги психологик асослар атрофлича ўрганиб чиқилса, булардан тегишли методик хулосалар чиқарилса, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг ўзбек тили машғулотларида адабий таълим мазмуни, шакл ҳамда усуллари умумий ўрта таълим мактаблари билан узвийликда илмий асосланган ҳолда белгиланса, дарс (машғулот)дан ташқари ишлар мазмуни, шакл, восита ва методлари тайин этилса, машғулотларнинг ўқув фани ДТСида қатъийлаштирилган сифат кўрсаткичлари даражасидаги таълим-тарбия самарадорлиги таъминланади.

Тадқиқот методлари. Назарий таҳлил, мантиқий таҳлил, умумлаштириш, таққослаш, таҳлил қилиш ва синтезлаш, моделлаштириш, расмий педагогик ҳужжатлардан фойдаланиш, педагогик тажрибани ўрганиш, таҳлиллаш ва умумлаштириш, кузатиш, суҳбат, сўров, ўқувчиларнинг бадиий асарни ўқиб тушунишларини ўрганиш, педагогик илмий тажриба ўтказиш, ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражалари, ўзбек адабиёти намуналарига нисбатан муносабатларини аниқлаш.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва асосланганлиги. Мазкур муаммо тадқиқига илмий-назарий жиҳатдан холислик билан ёндашилди, хулосалар методист олимларнинг фикрларига танқидий муносабатда бўлиш асосида чиқарилди. Кузатиш ишлари, ўқувчиларнинг адабий материалларни идрок этишларига доир назорат усуллари, дастур ва дарсликлар таҳлили узлуксиз таълим тизимидаги мавжуд аҳволни асослаган ҳолда ёритиш имконини берди. Тажриба-синов якунида ўтказилган тест синови натижаларининг объектив чиқишини таъминлади.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

1. Таълим рус тилида олиб бориладиган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўзбек тили машғулотида русийзабон ўқувчиларнинг бадиий идрок билан боғлиқ ёш хусусиятлари, умумий адабий тайёргарлик имкониятларини назарда тутган ҳолда адабий таълим мазмунини такомиллаштиришга доир тавсиялар.

2. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиёти намуналарини ўқиб идрок этишнинг психологик асослари, ёндашув ва принциплари.

3. Узлуксиз ўзбек тили таълими тизимида адабий материалларни ўрганиш шакл ва усуллари (методикаси).

4. Машғулотлардан ташқари ишларда ўзбек адабиёти материалларини ўрганишнинг шакл ва усуллари.

5. Русийзабон ўқувчиларнинг ўзбек адабиёти намуналарини таҳлил қилиш жараёнида мустақил фикрлашларини ўстиришни таъминлайдиган усуллар.

6. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиёти намуналарини ўқиб ўрганишнинг янги педагогик технологиялари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Узлуксиз таълим тизими ўзбек тили машғулоти таркибида ва машғулотдан ташқари ишларда русийзабон ўқувчиларнинг адабий материалларни ўқиб-ўрганиш имкониятлари, бадиий идрок этиш хусусиятлари аниқланди. Русийзабон ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва ўзбек адабиёти бўйича адабий тайёргарлик даражалари доирасида таълим мазмунини такомиллаштиришга доир илмий асосланган, амалиётда текшириб кўрилган тавсиялар ишлаб чиқилди. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиёти намуналарини ўрганишга доир ёндашув ва принциплар белгиланди. Шу ёндашув ва принципларга кўра бадиий матн устидаги ишлар методикаси ўқитувчилар қўллаётгани каби асосан мазмунни ўзлаштириш тарзида эмас, балки адабиёт ўқитишга хос этиб, яъни бадиий образлар, тасвирий воситалар, ғоявий мазмунни англаш сари йўналтирилган ҳолда ишлаб чиқилди. Русийзабон ўқувчиларнинг адабий материалларни ўрганишларини меъёрлайдиган, умумий ўрта таълим босқичи билан узвийликка риоя этилган минимал билим, кўникма ва малакалар ҳажми аниқланди. Ўзбек тили машғулоти таркибида ва машғулотлардан ташқари тадбирларда адабий материалларни ўрганиш шакллари талқин қилинди. Узлуксиз ўзбек тили таълими жараёнида русийзабон ўқувчиларга ўзбек адабиёти намуналарини узвийлик ва узлуксизлик асосида ўргатиш методлари илк бор илмий-методик жиҳатдан яхлит тадқиқ этилди, методикаси яратилди. Русийзабон ўқувчиларнинг ўзбек адабиётининг нодир намуналарини машғулотдан ташқари ўқишларига раҳбарлик қилишга доир методик тавсиялар ишлаб чиқилди. Ўзбек адабиётига доир материалларни ўрганишда фойдаланиладиган ахборот технологиялари кўрсатилди.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти. Тадқиқотда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўзбек тили машғулоти таркибида ва машғулотлардан ташқари тадбирларда русийзабон ўқувчиларга умумий ўрта таълим мактаби билан узлуксизлик ва узвийликни таъминлаган ҳолда адабий материалларни ўргатишнинг назарий ва методик асослари яратилди, бунда муаммонинг энг

мақбул ечимлари учун шарт бўладиган психологик ҳамда педагогик асослар кўрсатиб берилди, таълим мазмуни, ўқувчиларнинг бундай материалларни ўрганиш имкониятлари аниқланди ва ўқитиш методикаси ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти. Тадқиқот ишида русийзабон ўқувчиларга ўзбек адабиёти намуналарини ўргатишнинг мазмуни ва самарали усуллари илмий асосланди; адабий таълим мазмуни ва усуллари умумтаълим мактаблари учун белгиланган таълим мазмуни ва методларининг узвий давоми сифатида шакллантирилди, узлуксизлик принципининг жорий этилиш натижаси сифатида тақдим қилинди.

Узлуксиз адабий таълим жараёнида бадиий матнни идрок этишнинг психологик асосларини етарлича ҳисобга олиш мақсад қилиб олингани учун ҳам машғулотлар самарадорлигини талаб даражасига етказиб таъминлаш имкониятлари ортди.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши.

Тадқиқот натижаларидан таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг ўзбек тили ўқитувчилари таълим жараёнида, методист мутахассислар ўзбек тили бўйича дастур, дарслик ва методик қўлланмалар тузишда, аспирант, докторант ва илмий тадқиқотчилар илмий изланишлар олиб боришда фойдаланишлари мумкин.

Тадқиқот ишининг синовдан ўтиши. Мазкур диссертация юзасидан тажриба-синов ишлари Тошкент шаҳар I педагогика коллежи, Тошкент шаҳар Чилонзор академик лицейи, ТДПУ қошидаги педагогика лицейи, Тошкент шаҳар Миробод академик лицейи, Ангрен шаҳар тиббиёт коллежи, Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги педагогика коллежларида олиб борилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни муаллиф томонидан эълон қилинган 1 та илмий монография, 2 та дарслик, 2 та методик ўқуланма, 1 та ўқув қўлланма, 13 та илмий-методик журналлардаги мақолаларда, 17 та Республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуман материаллари ҳамда илмий тўпламлардаги мақолаларда ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт асосий боб, умумий хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, жами 242 саҳифани ташкил этади. Унда тажриба-синов ишлари ва уларнинг таҳлилини акс эттирувчи 3 та жадвал ва 1 та чизма мавжуд. Фойдаланилган адабиётлар рўйхатининг умумий сони 186 манбадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “Кириш” қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, предмети ҳамда объекти, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва асосланганлиги, методлари белгиланган, илмий фарази қўйилган, янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, ҳимояга олиб чиқиладиган масалалар ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг биринчи боби “Академик лицей ва касб-хунар коллежларининг рус гуруҳларида ўзбек адабиёти материалларини

ўрганишнинг назарий ва амалий асослари” деб номланган. Унинг дастлабки қисми **“Узлуксиз таълим жараёнида адабий материалларни ўрганишнинг психологик асослари”** деб аталган.

Таълим рус тилида олиб бориладиган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидаги ўзбек тили машғулоти таркибида адабий материалларни ўқиб-ўрганиш самарадорлиги уларни бадиий идрок этиш тўлиқлиги ва чуқурлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу самарадорлик бошланғич синфлар ва умумтаълим мактабида (2-9-синфларда) олинган адабий тайёргарликни узлуксизлик ва узвийлик асосида такомиллаштириб бориш воситаси билангина таъминланади. Бунда болаларнинг ёш хусусиятларини назарда тутиш бош планга кўтарилади. Шунга кўра ҳам адабий материалларни ўрганишнинг психологик асосларини бошланғич ва умумтаълим мактаби ҳамда ўрта махсус таълим босқичлари ўқувчилари нуқтаи назаридан кўриб чиқиш зарурияти туғилади.

Идрок қилиш жараёнида асарнинг бадиий образлари тизими тасаввур қилинади, бу тизимдаги ҳар бир алоҳида олинган образ моҳияти англанади, эстетик завқ юзага келади, тарбиявий таъсир амалга ошади. Лекин русийзабон ўқувчилар адабий асардан олинган парчани ўқиб бадиий идрок этиш у ёқда турсин, мазмунини тушунишга ҳам баъзан катта қийинчиликлар билан муваффақ бўладилар. Бунинг асосий сабаби шуки, биринчидан, уларнинг сўз бойлигини нутқда фаол ишлатиладиган, шунингдек, илмий мақола типига ўқув матнларида учрайдиган нофаол лексика ташкил этиб, асосан нейтрал услубга хосдир; бадиий матнларда эса услубий бўёқдор, миллий қадриятларни ифода этувчи лексика ишлатилади. Иккинчидан, бадиий услубга хос сўзлар минимуми, шунингдек, сўзларнинг лексик маъноси, уларнинг услубий бўёқдорлиги ва фуқционал хусусиятлари устидаги ишлар ўзбек тили таълими мазмунида кўзда тутилмаган. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг ўзбек тили дарсларида ўқувчиларни ўқишга ва бевосита илмий мақола типига ўқув матнлари мазмунини тушунишга ўргатиш масалалари юзасидан махсус илмий тадқиқотлар амалга оширилмаган. Бу борадаги айрим ишлар методист олим Р.Йўлдошев томонидан яратилган, холос. Муаммога алоқадор бўлган кўплаб масалалар ўз ечимини кутмоқда.

Адабиёт ўқитиш методикасида “матн мазмунини тушуниш” билан “бадиий матнни идрок этиш” ўзаро фарқли тушунчалар сифатида талқин қилиниб, биринчиси асар устидаги ишларнинг дастлабки босқичи учун, иккинчиси эса навбатдаги босқич учун ажратилади, асарни идрок этиш тушунчаси бевосита бадиий образларни англаш билан боғлиқ эканлиги таъкидланади¹. Шунинг учун биз ҳам бадиий матнни “идрок этиш” атамасидан фойдаланамиз. Русийзабон ўқувчининг адабий асар мазмунини тушунишдан юқори кўтарилиб, уни идрок этиш даражасига етмоғи талаб этилади. Бошқача айтганда, бадиий матнни идрок этиш матн мазмунини тушуниш асосида намоён бўлади. Лекин асар мазмунини дастлабки тушунишдан кейинги босқичга ўтишнинг ўз қийинчиликлари бор: биринчидан, асарни ўқиб рус тилига таржима қилиш ўта

¹ Зальдинер М.А. и др. Методика преподавания русской литературы в старших классах национальной (узбекской) школы. Под общей ред. проф. М.А.Зальдинера. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – С. 33.

оғир ўқув фаолияти саналади, бу фаолиятни амалга оширишда баъзан ўқитувчилар ҳам катта қийинчиликларга дуч келадилар, чунки улар таржимон эмаслар, шу сабабли дарсларнинг асосий вақти шу ишга беҳуда сарфлаб юборилади, иккинчидан, матн бир марта рус тилига ўгириб ўқилгач, эришилган марра мустаҳкамлаш босқичидан ўтказилмаса, тезда бой берилади, яъни ўқувчи асарни қайта ўқишда унинг талай ўринларини тўла тушуна олмаслиги туфайли қайтадан таржимага уринади. Шунинг учун ҳам бадиий матнни рус тилига муфассал таржима қилмай, мазмуни тушунилмаган айрим гапларни ўгирган ҳолда уни идрок этиш, бунда идрокнинг тўлиқ ва чуқур бўлишини таъминловчи усуллардан фойдаланиш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Маълумки, бадиий асарни идрок этиш ундаги образлар тизимини англаш ва қабул қилиш сифатига бориб тақалади. Ушбу жараённинг қандай кечиши эса рухшуносликка доир адабиётларда атрофлича ёритилган. Шу адабиётларга асосланган ҳолда умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг ўзбек тилидаги адабий материаллардаги бадиий образларни идрок этиш хусусиятларини аниқлаб олмасдан туриб таълим методлари хусусида самарали тавсиялар тайёрлаш амри маҳол. Шунга кўра ҳам диссертация ишининг биринчи бобини ана шу масаладан бошлаш, узлуксиз таълим тизимининг биз кўриб чиқаётган босқичлари (бошланғич ва умумтаълим ҳамда ўрта махсус таълим босқичлари) русийзабон ўқувчиларининг адабий материалларни ўқиб идрок этишлари билан боғлиқ рухий ҳолатлар, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг имкониятларини аниқлаш зарур деган хулосага келдик.

Адабий материалларни ўрганишнинг (айниқса, уларни идрок этишнинг) психологик жиҳатлари асосан бошланғич ва умумтаълим мактаби билан боғлиқ равишда бир қатор рухшунос олимлар томонидан тадқиқ этилган, олинган хулосалар монографик асарларда баён қилинган, методист олимларнинг асарларида ҳам бу борада баъзи амалий хулосалар айтиб ўтилган. Бу борада хориждаги олимлардан: А.А.Абдуллина, В.С.Баевский, Л.Г.Байкиева, Г.И.Беленький, Ф.И.Волков, Р.В.Глинтершчик, Л.И.Коновалова, Н.И.Кудряшов, Р.Р.Майман, Н.Д.Молдавская, Г.А.Петрова, Л.Н.Рожина, А.Т.Рубайло, Л.А.Шейман, В.Р.Шчербиналарнинг тадқиқотларини тилга олиш жоиз. Ўзбек методист олимларидан: А.Зуннунов, Т.Бобоев, Қ.Йўлдошев, М.Мирқосимова, С.Матчонов, шунингдек, адабиётшунослардан Н.Каримов, У.Норматов, Б.Назаров, Б.Қосимов, Б.Тўхлиевларни санаш мумкин. Бошланғич ва умумтаълим мактаби ўқувчиларининг асарни бадиий идрок этиш хусусиятларини билиш академик лицей ва касб-хунар коллежларида шу хусусиятларни ҳисобга олиш имконини беради.

Бадиий асарни идрок этиш - мураккаб жараён. Бу жараённи дарслик муаллифининг ўзи тузган оддий ўқув матнини ёки илмий мақола типигаги матнни ўқиб мазмунини тушуниш жараёни билан сира ҳам тенглаштириб бўлмайди. Методист олимларнинг таъкидлашларича, “адабий асардан парча ўқиш жараёнида илмий мақола типигаги матн устида ишлагандаги каби мазмун

билан танишиш биринчи даражали нарса эмас”¹. Бу ўринда матн мазмунини тушунишдан фарқли ўлароқ бадиий образни идрок этиш устувор аҳамият касб этади. Демак, русийзабон ўқувчилардан адабий тайёргарлик кўрсаткичи сифатида бадиий матнни ўқиб мазмунини тўлиқ тушуниш эмас, балки уни тўлиқ ва чуқур идрок этиш талаб қилиниши шарт.

Аммо адабий материални бадиий идрок этиш учун унинг қайси жиҳатлари ёрдам бериши, мазмуннинг катта қисми англаган парча эстетик завқ уйғота олиш-олмаслигини аниқлаш методика учун муҳим масалалардир².

Таълим рус тилидаги мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг рус адабиёти дарсларида бадиий асардан келтирилган мўъжаз парча устида олиб бориладиган сермахсул ишлар миқёсини назардан қочирмаслик ўқувчиларнинг адабий тайёргарлигига асосланиш имконини берадиган кучли бир омил сифатида майдонга чиқади. Бу масалага номлари юқорида тилга олинган руҳшунослар ва методист олимларнинг изланишлари ва асарлари маълум даражада ойдинлик кирита олади, қуйидаги масалаларга доир маълумотлар тўплаш, уларни кўриб чиқиш имконини беради:

1) идрок жараёнида бадиий образ билан борлик (воқелик) муносабатини англаш;

2) бадиий асарни тўлиқ идрок этиш босқичлари;

3) асар қаҳрамонларининг фазилатларини англаш масалалари.

Таълим рус тилидаги мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўзбек тили дарсларида ўқувчилар ўқитувчининг иш усулига мос равишда матнларни ўқиш, мазмунини тушуниш, ўзлаштириш билангина машғул бўладилар, натижада шу иш турларига одатланиб қоладилар. Ора-чора бадиий матн дуч келганда ҳам бир хил усул қўлланаверади: русийзабон ўқувчи асардан олинган парчани ўқитувчининг топшириғи билан ўқиб рус тилига таржима қилишга ҳаракат қилади, машаққатли уринишлардан сўнг, муаллимнинг, ота-оналарнинг, қўни-қўшниларнинг ёрдамида топшириқни адо этишга муваффақ бўлади, нотаниш сўзларни ва сўз шаклларини ўзлаштиришга қаратилган машқларни ва иш турларини бажаради, ниҳоят, асарда тасвирланган воқеа-ҳодисаларни – фактик материалларни эслаб қолиш ва матн мазмунини қайта ҳикоя қилишга тайёргарлик кўради, холос. Булар бадиий матнни идрок этишга доир билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш жараёнида икки томонлама, яъни, бир томондан, ижобий, иккинчи томондан, салбий таъсир кўрсатадиган омиллардир. Ижобийлиги шундаки, матн мазмунини тушуниш таъминланади. Салбийлиги шундаки, ўқувчи шу даража билан кифояланади. Салбий таъсирни енгиб ўтиш қийин. Бунинг учун ўзбек тили дарсларида ўқувчиларга бадиий асарни ўқитишнинг асосий шартига кўра уни оддий (бадиий бўлмаган) ўқув матнини ўқиб мазмунини тушуниш ва ўзлаштиришдан

¹ Зальдинер М.А. и др. Методика преподавания русской литературы в старших классах национальной (узбекской) школы. Под общей ред. проф. М.А.Зальдинера. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – С. 33.

² Қаранг: Йўлдошев Р. Ўзбек тили дарсларида нутқни эшитиб тушунишга ўргатишнинг айрим масалалари // Рус ва қозоқ мактаблари ҳамда муассасаларида ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш масалалари. Илмий мақолалар тўплами. Тошкент: ЎзПФТИ, 1997, 3-12-бетлар.

иборат одатдан халос этиш, давлат тилидаги адабий материалга бўлган ўз муносабатини тубдан ўзгартиришдир.

Е.И.Ильиннинг фикрича: “Асарни тўлақонли идрок этиш уни бошидан охиригача муфассал ўрганиш дегани эмас”¹.

Русийзабон ўқувчилар рус адабиёти дарсларида етарли адабий тайёргарлик кўрадилар. Улар бадиий образнинг нима эканлиги, унинг сюжети, композицияси, асар иштирокчилари (персонаж, асар қаҳрамони, характер), ёзувчи позицияси, айрим ижодий методлар (танқидий реализм, реализм), тасвирий воситалар (метафора, ўхшатиш, жонлантириш) кабиларни ўзлаштириб, эслаб қолган, кўникма ва малакалар ҳосил қилган даражада биладилар. Уларнинг баъзилари ушбу билим, кўникма ва малакалардан ўзбек тилидаги адабий матнни ўқиб идрок этишда фойдаланишларини тахмин қилиш мумкин.

Ўқув матнларидаги фактик материалларни, табиат ва жамиятда юз берган воқеа-ҳодисаларни ўзлаштириш, шубҳасиз, ўқувчиларни илм-фан, маданият, ижтимоий ҳаётга оид билимлар билан бойитади, лекин адабий матндаги воқеа-ҳодисаларга нисбатан бундай йўл тутиш уйдирма (тўқима) гапларни эслаб қолиш билан баробар. Ўқувчи асар мазмунини ўзлаштирамаслиги, аксинча, унда тасвирланган воқеа-ҳодисалардан ибрат олиши, ўз ҳаётини тажрибасини орттириши, асарни ўқиб завқ олиши керак. Айрим воқеа-ҳодисалар тарбиявий таъсир ўтказиш воситаси сифатида хотирада сақлаб қолиниши мумкин: баъзан турли хил давраларда бадиий матнларда баён этилган айрим ибратомуз воқеаларни сўзлаб бериш ҳам тез-тез учраб туради. Бунда тингловчига тарбиявий таъсир ўтказиш мақсади бош ўринда туради.

Методист олим Қ.Йўлдошев таъкидлаганидек: “Бадиий асарларни филологик таҳлил қилишда амал қилиниши зарур талаблардан яна бири санъат ҳодисаларига реал борлиқнинг нусхаси тарзида муносабатда бўлишнинг мумкин эмаслигидир”². Таҳлиллар натижасидагина ўқувчи парчада тасвирланган ҳаётини лавҳанинг бадиий жиҳатдан ишлов берилган, тартибга солинган нусхаси – умумлашган бадиий образи эканлигини англаб етади. Лекин бу лавҳаларни оддий матнни ёд олгандек ўзлаштиришнинг ҳожати йўқ (айрим монологлар, ҳикматли сўзлар бундан мустасно). Шундай экан, русийзабон ўқувчиларни адабий материаллар ёрдамида ўлкамиз табиатига ўзбеккона кўз билан қараш, уни бадиий идрок этиш хусусиятлари билан таништира бориш миллий кадриятларни ўзлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Асарда тилга олинган ахборот эски, яъни маълум бир давргагина хос бўлиши мумкин. Бундай пайтда ахборот давр билан нисбатланган ҳолда қабул қилинади. У баъзан шунчаки эски бўлмай, тарихий даврдан воқиф этиши мумкин. Бундай ахборот чин, аниқ бўлса, билимни бойитади.

Русийзабон ўқувчи ҳар қандай ахборотни ўз тилида оладиган ахборотлар билан солиштиради, албатта. Ёзувчи асарда муайян ҳужжатлар келтирган бўлса, уларга халқнинг миллий кадрияти деб қарайди. Бундай пайтда

¹ Ильин Е.Н. “Минувших дней итоги...”. Педагогический перекресток: школа, дети, общество. – Л.: Лениздат, 1991. – С. 27.

² Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 83-бет.

русийзабон ўқувчида туғиладиган ҳис-туйғулар асар мазмунида муҳим роль ўйнаган ана шундай қадриятлар билан ҳам боғлиқ бўлади. Худди шунинг учун ҳам улар китобхонда алоҳида эъзозли туйғуларни уйғотади.

Бадиий асар бир ўқишдаёқ мукамал идрок этилмайди. Биринчи ўқишда илк тасаввур пайдо бўлади. У дастлабки идрокка асос бўлади. Китобхон асарда тасвирланган манзараларни, қаҳрамоннинг қиёфасини, ахлоқий фазилатларини, воқеа-ҳодисалар ўртасидаги сабаб-натига боғланишларини етарлича кўз олдига келтира олмай туради. Ҳали тўлиқ англамаган, ўз белгилари билан пайдо бўлиш босқичида турган бу жараён ниҳояланиши учун таҳлил усулидан фойдаланиш талаб этилади. Бадиий образнинг умумлашма тавсифини очиш учун юзага келган дастлабки тасаввур таҳлилга тортилади. А.А.Абдуллина буни “барқарор ҳолга келтириш” деб тушунтиради ва бу жараённинг қандай давом этиши ҳақида аниқ хулосалар беради.

Адабий асарда тасвирланган қаҳрамонларнинг ҳаёти, адабий тақдири мисолида ўқувчиларга одамлар ўртасидаги ижтимоий-эстетик муносабатлар англатилади. Ўзбекни, ўзбекона руҳни тушуниш ҳам русийзабонлар учун ижтимоий муносабатларнинг яна бир жабҳаси ҳисобланади. Лекин ҳаётдаги турли-туман шахслар билан бўладиган мулоқот тавсифи ҳар бир инсонга хос фазилатлар умумлашмаси тариқасида бадиий адабиётда ўз аксини топиб келмоқда, бундан кейин ҳам қанчадан-қанча асарлар ана шу масалаларга бағишланадики, бу нарса одамларга хос хислатларнинг ниҳоятда ранг-баранг эканлигидан далолатдир. Асар қаҳрамонлари образлари мисолида ёшларни ижтимоий муносабатлар мазмуни, чунончи, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва қабоҳат каби талай тушунчаларнинг моҳияти билан таништириш жараёни амалга ошади.

Ўзбек адабиётини ўқитиш соҳасида яратилган методик адабиётлар, тадқиқот ишларининг деярли барчасида (масалан, Қ.Йўлдошев, М.Мирқосимова, С.Матчонов ва бошқалар) асар қаҳрамонларини ўрганиш хусусида сўз юритилиб келмоқда. Шунинг учун ўзбек тили ўқитувчиси улардан ижодий фойдаланган ҳолда русийзабон ўқувчиларнинг асар қаҳрамонлари фазилатларини англаш хусусиятлари билан таниша олади. Шунга кўра ҳам бу масалага махсус тарзда атрофлича тўхталиш тадқиқот ишимизнинг асосий мақсадлари сирасига киритилмайди.

Шуни ҳам эслатиш жоизки, бугун қаҳрамоннинг онг оқими асосига қурилган асарлар ҳам яратилмоқдаки, бу асарларда қаҳрамон кўзлаган мотив ва мақсади “ички монолог”да мужассамлашади¹. Бу ўринда Х.Н.Досмухамедовнинг қуйидаги фикри ўринли: “Қаҳрамонлардаги воқеликнинг салбий кўринишларига бўлган норозилик ўз “мен”ини англашга интилишда сезилади”². Бундай асарлар ўқувчиларни воқеаларни тадқиқ этишга эмас, балки инсоннинг характер хусусиятларини ўрганиш сари йўналтиради. Х.Н.Досмухамедов таҳлил ва тадқиқ этишни ақлий жараёнга мансуб деб ҳисоблар экан, унинг

¹ Жўраев Т.С. Онг оқими ва тасвирийлик (М.М.Дўст, Ғ.Ҳотамов, О.Отахон асарлари асосида): Филол.фан.номз. ... дисс.авторереферати. – Т., 1994. – 17-бет.

² Досмухамедов Х.Н. Ҳозирги ўзбек ҳикоячилигида бадиий тафаккурнинг янгиланиши (80-йиллар 2-ярми ва 90-йиллар аввали). Филол.фан.номз. ... дисс.авторереферати. – Т., 1995 – 9-бет.

куйидаги сўзларини ҳам эътиборга олмай бўлмайди: “Ҳамонки, адабиётда инсонни янгитдан кашф этишга уриниш кучайдими, демак, фаҳм-фаросат, ақл-идрок, тафаккур-шуур фаоллашади. Бир сўз билан интеллектуал жараён чуқурлашади”¹.

Русийзабон ўқувчиларнинг ўзбек тилидаги сўз бойлигида шахснинг ахлоқий, интеллектуал, иродавий фазилатларини, руҳий ҳолатини ифодаловчи лексиканинг жуда оз эканлиги кузатилади.

Биринчи бобнинг 2-қисми **“Узлуксиз таълим тизимида адабий материалларни ўрганишнинг бугунги ҳолати”** деб номланган.

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг ўзбек тили дарс (машғулот)лари таркибида адабий материалларни ўрганиш ишини рўёбга чиқарувчилар ўзбек тили ўқитувчиларидир. Даставвал, уларнинг ўзбек адабиёти ва уни ўқитиш методикаси бўйича методик тайёргарлиги хусусида бир-икки оғиз сўз айтиш жоиз кўринади, чунки кўп нарса адабий таълимни амалга оширувчиларнинг билими ва маҳоратига боғлиқдир. Ўзбек тили ўқитувчиларининг таянч маълумотига кўра турли соҳага мансублиги аён ҳаёшот. Булар ўзбек мактабларида она тили ва адабиёт ўқитувчилари, рус гуруҳларида ўзбек тили ихтисослиги бўйича олий маълумот олган ўқитувчилар, чет тили ўқитувчилари, ўзбек мактабларида рус тили ўқитувчиларидир. Айтиш мумкинки, айрим ўзбек тили ўқитувчиларининг адабиёт ўқитиш методикасидан махсус тайёргарлиги йўқ. Уларнинг яна бир қисми ўзбек адабиёти назариясидан, ўзбек адабиёти намуналаридан, адабиёт ўқитишнинг шакл, восита ҳамда усулларидан қисмангина хабардор. Бундай ўқитувчилар адабий материаллар устидаги ишларни талаб даражасида ташкил эта олаётганлари йўқ.

Бундан ташқари, адабий материалларнинг узлуксиз таълим тизимида (умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус таълим босқичи) ҳар хил миқдорда, ҳар хил ҳажмда берилиши, баъзи синфларда (масалан, 9-синфда) кескин камайиб кетиши русийзабон ўқувчиларнинг ўзбекона адабий тайёргарлигига ҳам, бошқа тарбиявий мақсадларга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Таъкидловчи тажриба-синов ишлари Тошкент шаҳридаги, Тошкент ва Хоразм вилоятларидаги академик лицей ва касб-хунар коллежларида олиб борилди. 100 ўқитувчи орасида сўровнома ўтказилди, натижалари атрофлича ўрганилди ва таҳлил қилинди. Маълум бўлишича, 64 ўқитувчи бадиий матнни сўзма-сўз ўқиб тушунтириш методидан фойдаланади. Бундай ўқиш ўзбек тили дарсларида кўпинча таржимали ўқиш тусини олади. Асарни сўзма-сўз ўқиб тушунтириш ўқувчиларнинг лексик ва грамматик ҳозирлиги бўш бўлган, улар матнни биринчи ўқишдаёқ мазмунини англашга олдиндан тайёрланмаган синфларда вазият тақозоси билан қўлланадиган усулдир. Бундай ўқиш чоғида асар эстетик завқ уйғота олмайди, албатта.

Кузатилган дарсларда бирор ўқитувчи адабий матндан эстетик самара олишни режалаштирмаган. Дарснинг мақсади матн устида ишлашдан иборат

¹ Досмухамедов Х.Н. Номи кўрсатилган автореферат. – Т., 1995 – 11-бет.

бўлган. Аксарият ўқитувчилар матн устидаги ишларни асар мазмуни юзасидан саволларга жавоб олиш, мазмунини сўзлатиш билан якунлайдилар.

Ўзбек тили ўқитувчилари адабий материалларни ўқитиш ишларини ташкил этишда мавжуд манбаларга: концепция, стандарт, дастур ва дарсликларнинг методик структурасига асосланадилар. Айниқса, дарсликнинг методик структураси маълум маънода йўлқўрсаткич вазифасини бажариши мумкин, чунки дарслик қолипидан четга чиқмайдиган ўқитувчи унинг савол ва топшириқлар тизимига эргашади. Илғор иш тажрибасига эга бўлган ўқитувчиларгина мавжуд қолипдан четга чиқиб ишлай оладилар.

“Ўзбек тили” дарсликлари ва дастурлари таҳлилидан аён бўладики, таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўзбек тилидаги адабий материалларни ўрганиш таълим мазмуни нуқтаи назаридан умуман қониқарли аҳволда эмас.

Русийзабон ўқувчилар адабий асар мазмунини қанчалик тушунишлари, идрок этишларини аниқлаш мақсадида уни ўзбек тилидан рус тилига таржима қилиш талаб этилган назорат иши ўтказилди. Ўқитувчининг топшириғи билан ўқувчи Н. “Ҳақимни беринг” парчасини рус тилига таржима қилган. Парчанинг биринчи абзацини аввал айнан келтирамиз:

Atrofni qorong'ilik bosdi. Yo'lchi jimjit ko'chada tanho aylanib yurib, boynikiga qaytdi. Odatda Mirzakarimboy o'tiradigan mehmonxonaning derazasidan chiroq yarqirar edi. Yo'lchi uy eshigini ochishi bilan ko'zlari boyning o'qraygan ko'zlari bilan uchrashdi. Lekin u loqaydlik bilan tiz cho'kdi. Ular bir-ikki daqiqa sukut qilib, bir-birlarining g'azabli ko'zlaridan ma'no qidirishdi. Mirzakarimboy yonboshdagi katta par yostiqni bir tomonga itarib tasbehni sandalga qo'ydi.

Ана шу парчани рус тилига ўгиришда ўқувчи айна қаҳрамонларнинг муносабатини нотўғри англашга сабаб бўладиган хатоларга йўл қўйган. Чунончи, у “Lekin u loqaydlik bilan tiz cho'kdi” гапидаги “лоқайдлик” сўзини ташлаб кетган, “tiz чўкди” бирикмасини рус тилида “поклонился” деб ифодалаган. Натижада Йўлчининг Мирзакаримбойнинг олдида келгандаги руҳий ҳолати нотўғри англанди. Гўё Йўлчи кўрқув остида бўлган, шунинг учун Мирзакаримбойга таъзим бажо келтирган. Аслида Йўлчи лоқайд бўлган, яъни бирор бир кўрқувни ҳис этмаган ҳолда, дадиллик билан бой ҳузурига кириб келган. Воқеанинг ривожини ана шу руҳий ҳолат билан боғлиқ равишда содир бўлган. Асосий тафсилнинг (лоқайдлик билан) ташлаб кетилиши, бунинг устига бошқа бир сўзнинг нотўғри таржима қилиниши (tiz чўкди – поклонился) матн мазмунини хато тушунишга олиб келган.

Узлуксиз таълим тизимида адабий материалларни ўқиб-ўрганишнинг талаб даражасида эмаслиги, бир томондан, ўзбек тили ўқитувчиларининг қўлларида методик қўлланмаларнинг йўқлиги туфайли содир бўлаётган бўлса, иккинчи томондан, дастур талабларининг дарсликларда ўз аксини етарлича топмаётганлигида, уларнинг адабий матнларни ўрганишга доир методик структураси камчиликлардан холи эмаслигида кўринади.

Биринчи бобнинг навбатдаги - 3-қисми **“Ўзбек тили машғулотида адабий материалларни умумий ўрта таълим босқичи билан узвийликда ўрганиш мазмунини белгилаш”** деб аталган.

Бадиий асар танлашда уни ўқувчиларнинг идрок этиши билан боғлиқ куйидаги муаммоларга аҳамият бериш лозим: бадиий асардан танланадиган парчанинг адабий таълимни амалга ошириш учун берадиган имкониятлари; русийзабон ўқувчиларнинг парча мазмунини тушунишдан ташқари уни бадиий идрок этиш имкониятлари ва хусусиятлари; парчани ўқиб-ўрганиш жараёнида бадиий тимсоллар, тасвирий воситалар, назарий маълумотлар устида олиб бориладиган ишлар, ахлоқий ва эстетик тарбия муаммолари; русийзабон ўқувчиларнинг ўзбекча нутқини ўстириш; китоб ўқиш ва унга ўқитувчи томонидан қилинадиган раҳбарлик.

Чексиз ҳаётий масалалар, улар билан боғлиқ бадиий образлар орасидан русийзабон ўқувчиларни таништириш учун энг кераклиларини ажратиш бениҳоя катта ва масъулиятли ишдир. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун бир ўқув йилида (ўзбек тили ўқув фанига ажратилган ўқув соатларининг учдан бир қисмида) 30 атрофида (бу бизнинг тахминимиз, шунингдек, ўзбек тили ўқитувчилари билан бўлган суҳбатларда улардан олинган мулоҳазалар, албатта) адабиёт намуналаридан парча ўрганиладиган бўлса, бу намуналар барча педагогик ҳамда методик талабларга жавоб бермоғи лозим. Зеро, машғулотларда муҳокама қилинадиган тор доирадаги масалалар ташкил этадиган кичик кўламнинг ўзи юритиладиган мушоҳадалар, ҳосил қилинадиган тасаввурлар, уйғотилажак ҳиссиётлар самарадорлигини таъминлаб беради.

Асар асосан ўзбек халқини англаш учун хизмат қиладиган бўлиши, шу билан бирга, баъзан русийзабон ўқувчиларнинг турмуш тажрибасини ҳам орттиришга ёрдам бериши керак. Шунинг учун танланадиган асарларнинг ўзбек халқи билан боғлиқ воқелик ҳақида билим бериши ҳам талаб этилади. Ўзбек халқининг ҳаёт тарзи, урф-одатлари, удумлари – булар тўқима эмас. Бадиий асарнинг ўқув-билув қиймати ҳам шунда. Асарга баҳо берганда, у ҳаётнинг қайси муаммоларидан сабоқ бера олади, русийзабон ўқувчига миллийликдан нималарни ўргата олади, деган савол бериш керак.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўрганиш учун мўлжаллаб ўзбек адабиёти намуналаридан парчалар танлаш иши умумий ўрта таълим мактабларида ўзбек тили ўқув фани мазмунини узвийлик тамойилига асосланган ҳолда ривожлантириш йўналишида амалга оширилади.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўрганиш учун мўлжаллаб ўзбек адабиёти намуналаридан парчалар танлаш иши умумий ўрта таълим мактабларида ўзбек тили ўқув фани мазмунини узвийлик тамойилига асосланган ҳолда ривожлантириш йўналишида амалга оширилади. Ўқувчиларга Ватан адабиётини, шунингдек, иккинчи тилдаги адабиётни ўқитиш мазмунини белгилаш тамойиллари, назарий негизлари бир қатор методист олимлар (Р.Р.Майман, В.И.Водовозов, М.В.Черкезова, Р.В.Глинтершчик, Э.А.Красновский, Қ.Ҳусанбоева, Е.Абдувалитов ва бошқалар) томонидан тадқиқ этилган.

XX аср ўзбек адабиётининг нодир намуналари орасидан русийзабон ўқувчилар учун мўлжаллаб асар танлашда юқорида санаб кўрсатилган талаблардан ташқари, ана шу давр адабиётига нисбатан адабиётшунослик ва

танқидчиликдаги мавжуд қарашлар назарда тутилмоғи лозим. Бу борада У.Норматов, Б.Назаров, Н.Каримов, Б.Саримсоқов, Б.Тўхлиев, Б.Каримов, А.Расулов, Д.Қуронов, У.Ҳамдамовларнинг яратган асарлари, тадқиқот ишлари муҳим йўналиш беради.

Таълим рус тилида олиб бориладиган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида олиб борилган кузатишлардан маълумки, ўзбек адабиёти намуналари уч хил йўналишда ўрганилади: 1) ўзбек тили машғулотларида дастурий талаблар (дарслар учун режалаштирилган мавзулар) доирасида; 2) мустақил ўқиш жараёнида; 3) машғулотлардан ташқари олиб бориладиган ишларда. Ана шу йўналишларда умумий ўрта таълим босқичида танишиладиган адабий материаллар билан ўрта махсус таълим босқичида ўқиладиган адабий материаллар ўртасида узвийлик таъминланиши кераклиги исбот талаб этмайдиган ҳолдир.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидаги ўзбек тили машғулоти учун мўлжалланадиган адабий асарлар ва улардан олинадиган парчаларга нисбатан бир қатор талаблар қўйилади. Асар танлаш уч нуктаи назардан амалга оширилади: 1) танланадиган асарнинг мазмун хусусиятлари; 2) ўқув йили бўйича асарлар миқдори; 3) ажратиладиган парчалар ҳажми.

Ҳукуматимизнинг миллий маънавият, миллий кадриятлар, миллий истиқлол мафкураси, ниҳоят, мактабда буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг асарларини ўрганиш ҳақидаги кўрсатмаларида таълим бошқа тилларда олиб бориладиган синф (гуруҳ)лар учун тайёрланган дастур ва дарсликларни қайта ишлаб чиқиш, янгиларини шу нуктаи назардан яратиш вазифалари илгари сурилди. Шунга кўра ҳам русийзабон ўқувчилар ҳикоядан йирикроқ адабий материалларни ўрганиш орқали ўзбек миллий характерини, унинг шаклланишидаги тарихий хусусиятларни билиб олишлари, изланишларидаги миллий ва умуминсоний мазмунни, бу изланишлардаги анъана ва ривожланишни англаб етишлари даркор.

Адабий материалларни ўрганиш кўламини кенгайтириш лозим деб топган ўқитувчи эшитиш машқларидан ҳам фойдаланиши мумкин. Бу бирор асардан олинган парча, ёзувчининг таржимаи ҳоли, ижодий фаолияти билан қисқа тарзда таништиришнинг қулай шаклларида биридир. Ҳар учинчи ёки тўртинчи дарс бошида ёки ўртасида ўтказиладиган эшитиш машқлари учун (йил бўйи бу машқлар анчагина бўлади) танланадиган материал шу синфда ўқув йили мобайнида ўрганиладиган адабий материаллар билан уйғун келгани маъқул. Шунда улар тизимли равишда бойитилиши мумкин. Масалан, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Фурқат, Муқимий, Завқий, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Саида Зуннунова ва бошқа ёзувчи ҳамда шоирларнинг таржимаи ҳолларидан лавҳалар, ижодий фаолиятидан бирор воқеа, айрим асарларининг яратилиши билан боғлиқ ҳодиса, жараён ва бошқалар олиниши мумкин.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг рус гуруҳларида ўзбек тилидаги адабий материалларни ўрганиш методикаси”** деб номланган. Унинг 1-қисми – **“Узлуксиз таълим**

тизимда адабий материалларни ўрганишга доир ёндашувлар, принциплар ва асосий йўналишлар” дейилади.

Методик адабиётларда белгиланишига кўра, муайян қонуниятлар, принципларнинг ўзига хос иерархияси мавжуд. Булар:

1. Умумпедагогик принциплар.
2. Умумметодик қонуният ва принциплар.
3. Хусусий методика талаблари.
4. Аниқ (алоҳида олинган) соҳага йўналтирилган принциплар.

Ўқув фанини ўқитишда кўзда тутилиши лозим бўлган принциплардан бири асосий мақсадни белгилаш ва уни деталлаштириш принциpidир. Ўзбек тили дарс (машғулот)ларида ўқув матнлари икки хил мақсад учун хизмат қилади: 1) ўқувчиларни ўқишга, яъни ўзбек тилидаги матнни ўқиб ундан ахборот олишга ўргатиш; 2) нутқ ўстириш. Ўзбек тили ўқитувчиси бадиий матнни русийзабон ўқувчига ўқитиб, мазмунини ўзлаштириш юзасидангина иш олиб борар экан, бунда у матндаги ахборотни қўлга киритишни матн устида ишлашнинг асосий мақсадига айлантиради. Адабий материал шунчаки ўқув матни эмас. Шунинг учун ҳам ўқишга (матнни тўғри, мазмунини тушуниб ўқишга) ўргатиш мақсадининг ўзи адабий асарни ўқиб-ўрганишнинг асосий мақсади бўла олмайди. Бугунги кунда ўқитувчи кўзлаган мақсад билан бадиий матндан кўзда тутилган мақсад ўртасида ўзаро уйғунлик мавжуд дея олмаймиз. Шунга кўра ҳам ўқув матни билан бадиий матнни фарқлаб ўқиб-ўрганиш принципига амал қилиш ана шу уйғунликни юзага келтириш омили бўла олади.

Методик адабиётларда илмийлик, таълимни ҳаёт билан боғлаш, мунтазамлилик, изчиллик, савияга мослик, ўқишга ижобий муносабатни рағбатлантириш, ўқувчидаги онглилик, фаоллик ва мустақиллик, бутун синф, гуруҳ билан олиб бориладиган ва яқка тартибдаги иш шакллари оптимал бирлаштириш каби принципларга кенг ўрин ажратилган.

Буларнинг ёнида умумдидактик талабларнинг ҳам мавжудлигини эслаш керак бўлади. Уларнинг сирасига ўргатувчи, тарбияловчи ва ривожлантирувчи таълим бирлигини амалга ошириш, ўқувчиларнинг фикрлаш ва ижодий фаоллигини рағбатлантириш, адабий таълимга ёрдам бериш, ўқувчиларнинг эстетик ва эмоционал ривожланишига кўмаклашиш ва бошқа талабларни киритиш мумкин.

Ўқувчиларнинг рус адабиёти дарсларида олган билим, кўникма ва малакаларига таяниш принципига амал қилишнинг аҳамияти шундаки, ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг адабиёт назариясига доир рус адабиёти дарсларида олган билимларни такрор ўрганишнинг олди олинади, шу билимларга таяниш зарурлиги асосланади.

Иккинчи бобнинг 2-җисми узлуксиз таълим тизими босқичларидаги ўзбек тили дарсларида адабий материалларни ўрганиш методларига бағишланган. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўзбек тили дарсларида бадиий матн устидаги ишларни ташкил этиш ва амалга оширишда эришиладиган самарадорлик таълим методларини тўғри танлашга бевосита боғлиқдир. Турли-туман методлар орасидан энг моси ва хосини ажратиш, бунда янги педагогик

технологияни ҳам назардан қочирмаслик керак. Лекин амалиётда айна шу юмушлар муайян қийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун ҳам адабиёт ўқитиш методикасида методлар тадқиқига алоҳида эътибор берилади.

С.Н.Редозубов, Е.А.Адамович, Н.Н.Шчепетова, Н.С.Рождественский, Л.А.Горбушина, В.Г.Горецкий, М.М.Омороковалар бошланғич синфларда бадиий асар устида ишлаш методлари ҳақида сўз юритганлар. Н.И.Кудряшов, Р.Р.Майман, Е.Н.Ильин, М.Г.Качурин, М.А.Зальдинер, Л.В.Тодоров, К.Т.Голенкиналар юқори синфларда рус адабиётини ўқитиш методларини ёритганлар. Ўзбек адабиётини ўқитиш методикасида бадиий асарларни ўрганиш шакл, восита ва методлари атрофлича кенг ва чуқур ёритилган. Бу бойликни яратишда А.Зуннунов, С.Исмамов, Қ.Йўлдошев, М.Мирқосимова, С.Матчонов, Ф.Бадриев, А.Тожиев, Қ.Хусанбоева, Ф.Эгамбердиева ва бошқа методист олимларнинг хизматлари катта. Адабиёт ўқитишни давр талаблари даражасига кўтариш юзасидан О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, У.Норматов, Н.Каримов, А.Каттабеков, Б.Тўхлиев, О.Мадаев, В.Қодиров сингари олимларнинг қўшган ҳиссалари ҳам беқиёс.

Ушбу хазинани билган ҳолда ундан зарурларини, ўқитувчи ўз тажрибасида қўллай оладиган, ўқувчи кўтара оладиганларини ажратиш, ўзига яраша янгича бир тизим ҳолига келтириб фойдаланиш биз амалга оширадиган тадқиқотнинг муҳим жиҳатларидан бири саналади. Зеро, ўқитувчи мудом методларни нотўғри танлаб дарс берса, ўқувчилар ё ана шу нотўғри танланган методлар билан қуролланадилар, ёки бу методларни қабул қилмайдилар, натижада ўқишда малакасиз бўлиб қолаверадилар.

Муаммоли таълим, изланиш, тадқиқот олиб бориш, ижодийлик тавсифига эга бўлган методлар ўтган асрнинг 70-80-йилларидаёқ методист олимларнинг диққат марказида турганлиги бежиз эмас. Бунда Н.И.Кудряшовнинг “Дидактика средней школы” китоби алоҳида ўрин тутди. Бу китобда тилга олинган, тасниф ва тавсиф этилган методлар М.А.Зальдинер, Л.В.Тодоров, Ф.И.Губиналар томонидан ҳам маъқул топилган. Булар қуйидагилар: 1. *Тушунтириш-иллюстратив метод*. 2. *Репродуктив метод*. 3. *Муаммоли баён*. 4. *Қисман изланувчан ёки эвристик метод*. 5. *Тадқиқот методи*. Юқорида санаб кўрсатилган методлар назарий жиҳатдан аниқ, тушунарли, бир-бирини тўлдириб борадиган, айна пайтда содда ва универсал деб эътироф этилган. Бизнингча ҳам, ушбу методлар орқали ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларини тўғри йўлга қўйиш, ўзаро фаолликка (интерфаолликка) эришиш учун ҳам кенг имкониятлар очилади.

Н.И.Кудряшов методист олимларнинг талқинларидан келиб чиққан ҳолда адабиёт ўқитишнинг қуйидаги уч асосий методини тавсия этади. Улар.:

1. *Ижодий идрок этиш методи (ижодий ўқиш методи). -интерпретациялаш (изланиш, тадқиқ этиш) методи.*

2. *Таҳлил қилиш-интерпретациялаш (изланиш, тадқиқ этиш) методи.*

3. *Синтезлаш (бирлаштириш) методи (17-18-бетлар).*

Муаллифнинг фикрича, “...кўрсатилган ҳар учала метод асарни ўрганишнинг барча босқичларида қўлланиши мумкин. Лекин ижодий идрок этиш (ижодий ўқиш) кўпроқ биринчи ва иккинчи, таҳлил қилувчи-интерпретацияловчи метод

кўпроқ иккинчи, синтезловчи метод кўпроқ учинчи босқичда ишлатилади” (18-бет).

Лекин юқоридаги усуллар сирасида яна бир неча усулни ўз ичига қамраб олиши мумкин бўлгани ҳам бор. Бу асарни изоҳли ўқиш усулидир. Аслида, ўйлашимизча, бадий матнни ўқиш босқичи биргина усул тариқасида ажратилмаслиги керак. Бу ерда парчани ўқиш, сўз билан ёки иллюстратив расм чизиш, қаҳрамонларга тавсиф бериш, асар тили устида ишлаш кабилар алоҳида усуллар тизимини ташкил этиши мумкин.

Е.Н.Ильин адабий таълим мазмуни ва методларида, бир томондан, ўқувчи эҳтиёжларини, иккинчи томондан, таълимнинг долзарб муаммоларини қамраб олган ҳолда *маънавий контакт (яқинлик) методи* моҳиятини доира орқали бирлаштирилган чизмада акс эттиради. Чизмадан аён бўлишича, билимларни инсонпарварлаштириш принципи асосан оқил ва доно инсонга, унинг қалбига қаратилади. Айниқса, компьютер ўйинлари ёш қалбларни дағаллаштираётган бугунги кунда комил инсонни тарбиялаш имконини берадиган адабий материаллар, таълим методларидан муҳим ва масъулиятли вазифаларни ҳал этиш воситаси бўла олиш кутилади.

Маънавий яқинлик методи қўлланганда, дарс санъат ҳодисаси сифатига эга бўла боради.

Асарни ўзлаштириш, одатда, кишининг ўзида пайдо бўлган саволларни, ахлоқий, ижтимоий, ёхуд бадий муаммоларни англаб етиши ва ҳал этишга интилиши билан боғлиқдир. Ўқитувчи ўқувчиларга ушбу муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш йўллари топишга ёрдам беради; асарни таҳлил қилишга ва жанр хусусиятлари ранг-баранг бўлган ҳолатида яхлит бир бутунликда тушунишга ўргатади, шунингдек, мушоҳада юритиш, ўз ўйларини образли сўзлар орқали, боғланишли, изчил, исбот қилувчи нутқ шаклида оғзаки ёки ёзма ифодалаш кўникмаларини ҳосил қилиш сари йўналтиради. Бунга *эвристик метод* ёрдам беради. Шунингдек, диссертацияда ижодий ўқиш методи, мусобақа методи, тадқиқот методлари, бошқа интерфаол усуллар ҳақида ҳам баҳс юритилган.

С.Матчонов ўқув-билув малакалари ҳақида гапириб шундай дейди: “Таълим олишдаги малакасизлик, ўқув предметларини ўзлаштиришга нисбатан бўлган лоқайдлик ҳар қандай фанни тинкани қуритадиган оғир меҳнат ва мажбуриятга айлантиради... Билим ва уни ўзлаштириш ўртасидаги номуносиблик шундаки, ўқитувчи ҳали бу борада тегишли кўникма ва малакаси бўлмаган ўқувчилардан янги-янги билимларни эгаллашни талаб этади”¹.

Бугунги кунда адабиёт дарсларида муаммоли таълим масалаларига эътибор катта. Ўқувчи таълим субъекти сифатида бадий асарни ўқишдан ташқари шу асар устида изланишлар ҳам олиб боради. Айниқса, у ерда кўтарилган ҳаётий сабоқлар, қаҳрамонларнинг ахлоқий камолот сари интилишлари шулар ҳақидаги ўйларга туртки беради.

Дарҳақиқат, ўқувчи адабий матнни ўқиш жараёнида тўлиқ мустақил бўлиши мумкин. Бунинг учун унда етарли сўз бойлиги, турли хил синтактик

¹ **Матчонов С.** Умумтаълим тизимида адабиётдан мустақил ишларни ташкил этиш. Пед.фан.докт. ... дисс.авторреферати. – Т., 1997. – 3-бет.

қурилишдаги гаплар мазмунини тушуниш йўлидаги таҳлил қилиш ва синтезлаш, умумлашмалар чиқара олиш қуввати шаклланган бўлиши даркор.

Ўзбек тили дарсларида юқоридаги методларни жорий этиш қийин кечмоқда. Баъзи ўқитувчиларнинг дарсадаги “ўта фаоллиги”, кўпинча жавобларини ҳам ўзи айтиши, кўп гапириши русийзабон ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этишга салбий таъсир кўрсатади. Улар ўзлари савол бергандан кейиноқ ўқувчи қийинчиликка дуч келди дегунча “ёрдам” кўлини чўзадилар, аслида бундай “ёрдам”нинг фойдасидан кўра зарари кўпроқ бўлади. Бунинг энг ёмон оқибатларидан бири сифатида болаларнинг муаммони мустақил ҳал этиш йўллари қидиришга рағбат сезмасликларидир.

Суҳбатга таяниб интерфаол усул қўлланган дарсларда ўқувчилардан жуфт-жуфт ёки жамоа бўлиб қатнашиши талаб этилади. Бундай жамоавий суҳбатлар чоғида улар ўқилган китоб ҳақида ўз таассуротлари билан ўртоқлашадилар, бутун асарни баҳоловчи фикр (тақриз)ларини, шунингдек, қаҳрамонларга ва ёзувчининг маҳоратига берган қисқа тавсифларини айтадилар ёки ўқийдилар. “Ҳамма ҳаммага ўргатади” интерфаол усули ҳам шундай ҳамкорликдаги ҳаракатни кўзда тутаяди.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўзбек тили машғулотларида адабий материалларни ўқиб-ўрганиш жараёнини эркинлаштириш, мустақил фикрлаш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтириш, бу жараённи методик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш муаммони ҳал этиш чора-тадбирлари сирасига киради.

Иккинчи бобнинг 3-қисми **“Узлуксиз таълим тизимида адабий материалларни ўрганиш жараёнида луғат иши”** деб номланган.

Адабий матнни ўқиб мазмунини тушуниш, бадиий идрок этишнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги, чуқурлиги кўп жиҳатдан ундаги лексик ва грамматик материалларнинг қанчалик ўзлаштирилганлигига боғлиқдир. Бадиий асарларда ишлатиладиган сўзлар жонли сўзлашувга хос лексикадан, шунингдек, илмий-оммабоп матнлардаги лексикадан маълум тафовутларга эга. Нутқ услубларига хос бўлган бундай тафовутлар тилшуносликда атрофлича ёритилган. Бадиий асарларда сўз ишлатилиши қўлланиш частотасига кўра ҳам ўрганилган. С.Ризаев, Н.Бўроновларнинг кўрсатишларича, мазкур асарда жами 37482 сўз ишлатилган бўлиб, булар 10590 луғат бирлигини ифода этади¹. “Ўзбек тили” ДТСи талабига кўра эса 2-9-синфларда жами 2100 луғат бирлиги ўрганилади. Ушбу фарқланиш бадиий матнни тушунишда туғиладиган лексик қийинчиликларнинг бир жиҳати, холос. Бошқа қийинчиликлар кўп маънолилик ва ўзга лексик ҳодисаларга бориб тақалади.

Бадиий асарнинг тил хусусиятлари назарий томондан атрофлича ўрганилган. Адабиёт назариясига оид китобларда ҳам, адабий-назарий тушунчаларни ўрганишга доир қўлланмаларда ҳам, бадиий асар тили таҳлил этилган тадқиқотларда ҳам бу масала атрофлича кўриб чиқилган. Хусусан, кейинги йилларда М.М.Йўлдошев, М.А.Мамадалиеваларнинг тадқиқотларида,

¹ Ризаев С., Бўронов Н. Абулла Қаҳҳор “Синчалак” повести тилининг частотали луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1986. 6-бет.

Ҳ.Неъматов, Р.Расулов, Т.Бобоев, М.Мирқосимоваларнинг монография ва қўлланмаларида ушбу мавзу бир мунча ёритилган.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек тили машғулотларида русийзабон ўқувчиларнинг мустақил фикрлашларига монелик кўрсатадиган ҳолатлар жуда кўп. Масалан, адабий матнда учраган нотаниш сўзни луғатдан қидириб топа олмаслик, топганда эса бу сўзнинг русча муқобили икки ва ундан ортиқ бўлганда, қай бирини танлаш керак деган вазифа юзага келади. Бу вазифани тўғри ҳал этиш, мустақиллик намоён қилиш учун ўқувчида ўз кучига ишонч ҳисси намоён бўлиши керак. Ўз кучига ишончи қатъий бўлмаган ўқувчининг мустақил қарор қабул қила олмаслиги эса аён ҳақиқат.

Адабий асарда сўзга бадиий образлилик юкланади. Бу ҳолат таржимада ҳам услубий бўёқли муқобилларни танлашга ундайди. Грамматик воситалар хусусида ҳам худди шу вазиятга дуч келиш мумкин. Хуллас, адабий материални ўрганишда қадам-бақадам мустақил қарор қабул қилиб боришни тақозо этадиган жиҳатлар ниҳоятда кўп.

Тажриба олиб борилган синфларда ҳар бир адабий материал бўйича 40 сўз атрофида янги ва маъноси унутилган сўзлар луғати тайёрланиб, 2 дарс олдин ўқувчилар кўлига бериб қўйилди, улар ўқитилиб, талаффузи машқ қилдирилгач, таржимасини эслаб қолиш уйга вазифа қилиб топширилди. Навбатдаги дарсдан 3-4 дақиқа ажратилиб, сўзлар ялпи такрорланди. Шундагина учинчи дарсга келиб янги ва маъноси унутилган барча сўзларнинг адабий матнни ўқиш чоғида англанишини таъминлаш мумкин бўлди.

Юқоридаги каби тайёргарлик ишлари натижасидагина асарни таҳлил қилишга ўтиш учун имкониятлар яратилди. Асар таҳлили жараёнида воқеа-ҳодисага, қаҳрамонга муаллифнинг берган баҳосини ифодаловчи сўзларни топиш; сўз нима мақсадда танлаганини аниқлаш; сўз билан тасвирлаб (оғзаки) расм чизиш каби ишлар бажарилади. Булардан ташқари, ўзбек тили дарсларида ўтилган материалларни эсга олиш орқали ҳам луғат ишини давом эттириш мумкин бўлади.

Бадиий асарни идрок этиш ўқувчи-китобхоннинг ақл-заковати, туйғулари ва тасаввурини батамом забт этадиган жараён сифатида биринчи навбатда унинг тилига – сўз ёрдамида образ яратишнинг асосий заҳирасига чуқур кириб боришни талаб этади. Асардан олинган парчани, айниқса, шеърини нутқни ўрганиш образ яратиш тизимига доир билимларни эгаллаш учун мустаҳкам замин вужудга келтиради. Ўқувчи образларнинг умумлаштирувчилик хусусиятини англаб олишдан ташқари, асарнинг ғоявий мазмунини тўғри ва кутилганидек тушуниш имконига эга бўлади.

Иккинчи бобнинг 4-қисми **“Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида адабий материалларга оид ўқитувчининг кириш ва якуний сўзи”** деб сарлавҳа қўйилган.

Таълим рус тилида олиб бориладиган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўзбек тили машғулотларида адабий матн кўпи билан 2-3 бетлик ҳажмда бўлади. Шу боис унга ўқувчини тайёрлаш учун маъруза эмас, балки мўъжаз кириш сўзи, дарсда ўтилганларни умумлаштириш учун эса якуний сўз зарур. Кириш сўзининг мақсади ўқувчиларни ёзувчи ёки шоирнинг

атоқли шахс, ўқилажак асарнинг эса юксак бадиий асар эканлигига ишонтириш, асарга нисбатан ижобий муносабат ва эмоционал ҳис-туйғу уйғотишдан иборат. Ўқитувчининг муқаддимаси ўқувчига мўлжал беради, асарни идрок этиш сари тўғри йўл кўрсатади. Кириш сўзида болалар олдида матнни ўқиш чоғида бажариладиган вазифа кўйиш эса уларни мақсад сари тўлиқ сафарбар этишга ёрдам беради. Умуман, кириш ва якуний сўзга катта масъулият билан қараш тақозо этилади. Шунга кўра ҳам тадқиқотда адабий матн устида ишлашнинг ушбу босқичига етарли ўрин ажратилган.

Ишда Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўғри” ҳикоясини ўқишдан олдин адиб ҳақидаги кириш сўзидан намуна берилади.

Иккинчи бобнинг 5-қисми “**Адабий материалларни ўқиш ва таҳлил қилиш: савол ва топшириқлар устида ишлаш**” деб аталган.

Бадиий асарларни ўқиш, таҳлил қилиш, савол ва топшириқлар устида ишлаш муаммолари хусусида Р.В.Щчербина, Р.Р.Майман, Н.И.Кудряшов, Н.Д.Молдавская, Л.А.Шейман, А.Зуннунов, Қ.Йўлдошев, М.Б.Ганженко, Л.И.Коновалова, Ҳ.Суюнов ва бошқа бир қатор методист олимлар сўз юритишган. Бу масалага алоҳида боблар ажратилган методика китоблари ҳам мавжуд. Таълим рус тилидаги мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўзбек тили дарс (машғулот)ларида адабий матнни ўқиш устидаги ишларни ташкил этишда ана шу манбалар назарий асос вазифасини бажарди.

Асарни ўқиш, таҳлил қилиш тўғрисида гап кетганда, назаримизда бажариладиган иш турларини қуйидаги босқичларга монанд ажратиш мақбул саналади:

- 1) асарни ўқишдан олдин бажариладиган иш турлари;
- 2) асар устида ишлаш жараёни билан боғлиқ ишлар;
- 3) асар ўқиб бўлингандан кейин бажариладиган иш турлари.

Асарни ўқишдан олдин бажариладиган иш турлари сирасига луғат иши, грамматик материалларни ўрганиш, ўқитувчининг кириш сўзи киради.

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўзбек тили дарсларида матнни ўқиш билан боғлиқ босқични “Матн устида ишлаш” деб аташ расм бўлган. Биз ҳам ана шу анъанага эътироз билдирмаган ҳолда мавзумизга мос тарзда “Асар устида ишлаш” деган ифодани ишлатамиз.

Ўзбек тили дарсларида матн устидаги ишлар бевосита уни ўқишдан бошланади. Табиийки, бадиий асарни ўқишни ўқитувчининг ўзи ёки тилни амалий биладиган, яхши ўзлаштирадиган, ифодали ўқиш қўлидан келадиган ўқувчилардан бири бошлаб беради. Умуман, русийзабон болаларни ўқишга ўргатиш масалалари методик адабиётларда қисман бўлса-да, ёритилган¹. Шундай бўлгач, биз ўзбек тили дарсларида ўқишга ўргатиш масалаларини четлаган ҳолда бевосита адабий материални ўқиш муаммоларига тўхталдик.

Асар устида ишлаш жараёни билан боғлиқ ишлар матнни ўқишдан бошланади. Бадиий асар ёки ундан олинган парча ўқилади. Бунда

¹ Тошхўжаева Д.Р. Матн мазмунини ўз сўзлари билан қайта ҳикоялашга ўргатишнинг методик асослари: пед. фан. номз. дисс. автореферати. - Т., 2000.

ўқувчиларнинг талаффузига, ўқиш тезлигига алоҳида эътибор берилади. Р.Йўлдошевнинг таъкидлашича, “...ифодали ўқиш чоғида суръат ўртача (нормал) ўқиш тезлигининг учдан бирига қисқаради. Синф ўқувчиларининг ўртача ўқиш тезлиги бир дақиқада 90-120 сўз бўлса, ифодали ўқиш суръати бир дақиқада 60-80 сўз атрофида бўлади”¹. Бундан ҳам секинроқ ўқиш ўқувчининг матндаги лексик ва грамматик материалларни яхши ўзлаштирмаганлигидан, айрим гапларнинг мазмунини тушунмаганлигидан далолат беради.

Асар ўқиб бўлинганидан кейин бажариладиган иш турларига таҳлил, савол ва топшириқлар устида ишлаш, мустақил мутолаа (жумладан, уйда ўқиш), айрим ёзма ишлар киради.

Матнларда маъно-мазмунини изоҳсиз англаш қийин бўлган лингвистик ва экстралингвистик жиҳатлар учраб туради. (Ишда ана шундай жиҳатлар тўлиқ саналган.)

Ўқувчилар бадиий нутқ оқимидан нотаниш сўзнинг изоҳини бадиий идрокка зиён етказмасдан илғаб олишлари лозим. Коннотатив изоҳ сўзнинг кўшимча бадиий маъносини очишдан иборат бўлади. Ўқитувчи айрим сўзларни матнни ифодали ўқиш жараёнида алоҳида урғу билан ажратади. Агар дарсликда берилган луғатдаги таржима сўзнинг кўшимча маъносини тушуниш учун етарли бўлса, катта бўлмаган тўхтаб ўқувчиларнинг ушбу сўзни луғатдан кўриб олиши учун кифоя қилади. Бундан ҳам секинлашиш қизиқишнинг пасайишига олиб келиши мумкин.

Ўқувчиларнинг асарни тўлиқ ва чуқур идрок этишларини таъминлашнинг самарали воситаларидан бири сифатида дастлабки кезларда бадиий асарга ишланган расмлардан фойдаланиш ҳам тавсия этилади. Тажрибали ўқитувчилар томонидан “*таҳлилнинг очиқ усуллари*”дан ташқари куйидаги “*яширин*” *усуллар* ҳам кенг қўллангани яхши маълум: *оғзаки равишда сўз билан тасвирлаш, хаёл қилинаётган фотомонтажларни, киносценарий фрагментларини яратиш, сиртқи экскурсиялар* ва ҳоказолар шу сирага киради².

Адабий асарни таҳлил қилишда савол ва топшириқлар тизими ҳал қилувчи роль ўйнайди. Савол ва топшириқлар ўқувчиларнинг ақлий ва эмоционал ривожланишига қаратилган бўлиши, бадиий матнни ўрганиш жараёнида мулоқотнинг қулай вазиятини яратиш учун шароит вужудга келтириши даркор.

Савол ва топшириқлар тизимини яратишда адабий асарни бир бутунича таҳлил қилиш принципи асосий қоида сифатида ажратилади.

Маълумки, асар таҳлили – методиканинг марказий муаммоси, бинобарин, ушбу муаммога методик ишларнинг катта қисми бағишланган. Таҳлил йўллари, асар тури ва жанрига, ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва имкониятларига, мактабда адабиётнинг бошланғич ва систематик курси тизимига кўра унинг хусусиятлари кенг ишлаб чиқилган.

Таҳлилнинг моҳияти шундаки, у ўқувчини асар мазмунига чуқурроқ кириб боришга, шу мақсад билан уни қайта ўқиб чиқишга ундайди, ёзувчининг

¹ **Йўлдошев Р.А.** “Ўзбек тили” давлат таълим таълим стандартини амалиётга жорий этиш юзасидан методик тавсиялар. – Т.: РТМ, 2002.

² **Майман Р.Р.** Практикум по методике преподавания литературы. – М.: Просвещение, 1985. 68-бет.

шоирона фикрида қандай мантиқ борлигини, образларнинг мантикий алоқадорлигини, воқеа-ҳодисаларнинг, қаҳрамонларнинг ҳаётга нечоғлик яқинлигини англашга кўмаклашади. “Дарсда яхши таҳлил қилинган ҳар бир инсон образи ўқувчилар кўз ўнгида жонли кишидек намоён бўлади”¹.

Ҳар бир асар муайян инсоний хислатларга, ижтимоий муносабатларга бағишланган бўлади. Масалан, “Гилам пайпоқ” да онага меҳр-муҳаббат, “Жасур киз” да зулм ва зўравонликка нафрат ва ҳоказо. Бу асарлар ана шу йўналишда ўрганилади. Бошқачароқ айтиладиган бўлса, материалнинг мазмуни дарс турини ҳам тайин этади.

Адабий матн юзасидан бериладиган савол ва топшириқлар тизимини яратиш учун асос қилиб олинadиган принципларни қуйидагича ифодалаш мумкин: 1) бадий асар устида олиб бориладиган ишларни матн мазмунини ўзлаштиришга қаратиб юбормаслик, уни бадий идрок этишгагина йўналтириш; 2) ўқувчиларнинг рус адабиёти дарсларида олган билим, кўникма ва малакаларига таяниш; 3) савол ва топшириқларни адабиёт назариясини ўрганаётганлик тасаввурини уйғотмайдиган қилиб тузиш; 4) савол ва топшириқларни образ-персонажларнинг хатти-ҳаракатларини, матнда ишлатилган тасвирий воситаларнинг, асар жанрининг эстетик қийматини, жозибасини англаб етиш сари йўналтириш.

Ўқитувчи учун ҳам, таълим субъектига айланиб бораётган ўқувчи учун ҳам топшириқ, ижодий, муаммоли савол асар устида мустақил, мақсад сари изланиш йўлидаги фаолият характерини белгиладиган очқич бўлиб хизмат қилади. Ўқитувчининг таълим жараёнини бошқариши мақсад сари элтадиган тўғри йўлни (қаерга олиб бориши ноаниқ бўлган сўқмоқни эмас) кўрсатиб туришда намоён бўлади, ўқувчилар фаолиятини тартибли, изчил, янги педагогик технология даражасида уюштиришни кўзда тутди. Бунда ҳар бир адабий материални ўқиб ўрганиш натижаси ҳам эътиборга олинади.

Аксарият ҳолатларда “Ўзбек тили” дарсликлариди² матндан аввал “Матнни ўқинг”, “Матнни ўқинг. Саволларга жавоб беринг”, “Эртакни ўқинг, мазмунини ўз сўзингиз билан қайта ҳикоя қилинг”, “Шеърни ифодали ўқинг ва ёд олинг”, “Шеърни ифодали ўқинг ва қандай таассуротлар уйғотганини айтинг”, “Парчани ўқинг ва ...” каби топшириқлар келтирилади. Ўқитувчининг қисқа кириш сўзи билан бошланмаган юқоридаги каби топшириқлар дарсда бажариладиган ишлар кўламини тор қилиб қўяди. Масалан, “Матнни ўқинг” деганда матн устида олиб бориладиган ишларни уни ўқиб тушуниш даражасида чегаралаш кераклиги ифода этилади.

Ўқитувчи ҳамда ўқувчиларнинг ҳамкорликда адабий асарни ўқиб ўрганишлари мобайнида кўрсатадиган фаолиятлари қай изчилликда амалга ошса, савол ва топшириқлар ҳам шу фаолиятга йўналтириш мазмунида тасниф этилиши лозим. Чунончи: 1) бадий асардан олинган парчани ўқишдан олдин

¹ Охунова М. Адабий ўқиш дарсларида эстетик тарбия: Ўқитувчи тажрибасидан. Проф. А.Зуннунов таҳрири остида. - Т.: Ўқитувчи, 1982. – 23-б.

² Йўлдошев Р., Мулламуҳамедов С. Ўзбек тили ва адабиёти. - Т.: Ўқитувчи, 1995. – 237 б. Йўлдошев Р., Тўхтамирзаев М., Рихсиева М., Ниёзметова Р. Ўзбек тили: Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг 8-синфи учун дарслик. - Т.: Ўқитувчи, 2000.

бажариладиган лексик ва грамматик машқлар билан боғлиқ савол ва топшириқлар; 2) бадий матнни бевосита ўқишдан олдин берилладиган савол ва топшириқлар; 3) ифодали ўқиш жараёнида ва дастлабки таҳлил чоғидаги савол ва топшириқлар; 4) парча ўқилгандан кейинги савол ва топшириқлар; 5) навбатдаги дарсда ўтилганларни такрорлаш билан боғлиқ савол ва топшириқлар; 6) уй вазифаси сифатидаги савол ва топшириқлар.

Бир ўқувчига берилладиган вазифалар гуруҳга берилладиган вазифалардан фарқ қилади. Чунки гуруҳда бир неча кишининг биргаликда ишлаши, кўпчилик бўлиб муаммоларни ҳал этиши кўзда тутилади. Бир ўқувчининг имкониятлари эса чекланган бўлади. Лекин, умуман олганда, иқтидорли ўқувчи оладиган вазифа бутун синфга берилладиган савол ва топшириқлардан қийинроқ ва мураккаброқ бўлиши табиийдир.

Ўқиш пайтида матн устида кузатиш ишларини ташкил этувчи ва умумлаштирувчи савол ва топшириқлар дарсда бажариладиган энг муҳим иш турларидан биридир. Масалан, қаҳрамоннинг фазилатини очишга ёрдам берувчи тафсилларни аниқлаш каби.

Асар тилини ўрганиш ўқувчининг ўзбек тилини яхшироқ билишига олиб келади, ушбу жараёнда сўз ишлатиш маданияти эгалланади, нутқ ўстирилади. Бу нарса олдиндан пухта тайёрлангандагина амалга ошади.

Умуман, ўқувчилар бир иш тури (масалан, асар сюжетини ажратиш) билан кифояланиб қолмасдан, унинг тилига, тимсолларига ва композицион қурилишига ҳам эътибор берсинлар. Кейингисиде режа тузиш муҳим роль ўйнайди. Бунда ўқувчилар ўз фикрларини тизимга солишни ўрганадилар.

Ўқувчи бориб-бориб ўқилганлар асосида образли фикрлай бошлайди. Баъзи одамларнинг хатти-ҳаракатларини кўриб, уларни афанди деб атайдилар. Паҳлавон бўлса, нақ Алпомиш дейишади ва ҳоказо. Тарбиявий таъсирда асардан фойдаланиш жараёни содир бўлади. Шунини ҳам унутмаслик керакки, русийзабон ўқувчилар ўзбек тилидаги образларни ўз миллий позицияси нуқтаи назаридан туриб идрок этади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Ўзлуксиз таълим тизимида ўзбек тилидаги адабий материалларни дарсдан ташқари ишлар жараёнида ўрганиш”** деб номланган. Мазкур бобнинг 1-қисми **“Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида дарс (машғулот)дан ташқари ишлар жараёнида адабий материалларни ўрганиш шакллари, воситалари ва методлари”**га бағишланган.

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда ўзбек тили бўйича дарсдан ташқари ишларни уюштириш, шу жараёнда ўқувчиларнинг нутқини ўстириш муаммолари педагогика фанлари номзоди Г.Муҳаммаджонова томонидан ўрганилган. Унинг номзодлик диссертацияси¹ ана шу йўналишдаги масалаларга бағишланган дастлабки илмий ишдир. Унда дарсдан ташқари иш турлари, уларнинг мазмуни, тадбир учун сценарий (композиция ва б.) тузиш ва асар танлашда унинг мазмунини ўқувчиларнинг тушуниб тинглаш ҳамда

¹ Муҳаммаджонова Г.З. Дарсдан ташқари машғулотларда русийзабон ўқувчиларнинг ўзбекча нутқини ўстириш методикаси (5-9-синфлар мисолида). Пед.фан.номз. ... дисс.авторреферати. – Т., 2003.

чиқишларда мустақил сўзлаш имкониятларини ҳисобга олиш масалалари, нутқ ўстиришдаги хизмати бирма-бир баён қилинган.

Ишда машғулотлардан ташқари тадбирларнинг маълум бир қисми (ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар билан учрашувлар, ёзувчи ва шоирларнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган адабий кечалар, китобхонлик конференциялари, жамиятлар, клублар, деворий газета, алоҳида мавзуларга доир кўргазмалар, ўқувчилар анжуманлари, викториналар, олимпиадалар, танловлар ва бошқалар) адабий материалларни ўрганиш билан боғлиқ равишда ўтиши ҳақида атрофлича сўз юритилган. Русийзабон ўқувчиларни мўлжаллаб ўзбек адабиёти намуналарини танлаш масалалари ҳам, тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш муаммолари ҳам бир қадар ишлаб чиқилган¹. Лекин тадбирларда қилинадиган маъруза ва чиқишларнинг мазмуни, ўқувчиларнинг асарни дарсдан ташқари пайтларда мустақил ўқишлари, семинарлар, бунда ахборот технологияларидан фойдаланиш масалаларини кенгроқ тадқиқ этиш зарурияти мавжуд. Ўқитувчилар айти шу соҳада методик маслаҳатларга муҳтожлик сезадилар.

Бизнингча, адабий кечанинг энг масъулиятли қисмларидан бири *маъруза ёки чиқишлардир*. Тадбирнинг руҳи, мақсад сари йўналганлиги кўп жиҳатдан ана шу қисмда очилиши, уларда адибнинг ҳаёти ва ижоди, ёзувчи (шоир) яшаб ижод қилган давр шарҳи муайян тарзда, яъни маърифий, таълимий ва тарбиявий аҳамиятга молик равишда баён этилиши керак.

Диссертациямизда шундай тадбирлардаги маърузалар ва уларга қўйиладиган илмий-педагогик талаблар, маъруза қилиш, сўз билан чиқиш учун ўқувчиларни тайёрлаш, бунда тўғарак машғулотларидан унумли фойдаланиш масалалари атрофлича ёритилган.

Тўғарак ўзбек тилидан дарсдан ташқари ишларнинг мунтазам ташкил этиладиган, адабий материални дарсда ўрганиш натижаларини дарсдан ташқари тадбирлар билан боғлайдиган, адабий материалларни ўрганишнинг амалий аҳамиятини оширадиган турларидан биридир. Ишда бундай боғланиш Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш мазмуни мисолида кўрсатиб ўтилган.

Учинчи бобнинг 2-§исми **“Русийзабон ўқувчиларнинг ўзбек тилидаги адабий намуналарни мустақил ўқишларига раҳбарлик қилиш”** деб номланган.

Машғулотдан ташқари мутолаа дақиқалари ўқувчиларда ўқишга бўлган эҳтиёжни тарбиялаши ва шакллантириши ҳамда уларни ўқилганлар юзасидан ўйлаш, муаллиф бу ерда кўтарган асосий муаммоларни англаб етиш, китобдан талай ҳаётий муҳим саволларга жавоб излашга ўргатиши керак. Бундай китоб ўқиш онлари ҳақиқий мутолаа жараёнини ифода этади. Бу жараён

¹ Қ.Хусанбоева Ўзбек адабиётини таълим давлат тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўқитишнинг илмий-методик асослари... Ниёзметова Р. Х. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда XX аср адабиётини ўқитиш мазмунини белгилашнинг назарий-методик асослари /ўзбек тили дарслари таркибида/... Мухаммаджанова Г.З. Дарсдан ташқари машғулотларда русийзабон ўқувчиларнинг ўзбекча нутқини ўстириш методикаси (5-9-синфлар мисолида)...

машғулотдаги бажариладиган ишларнинг бир қисми бўлгани учун ҳам адабий тайёргарликда, узлуксиз адабий таълим жараёнида муҳим ўрин тутади.

Синфдан ва мактабдан ташқари олиб бориладиган ишларнинг кичик бир қисми – китоб ўқиш (аниқроғи, асардан парча мутолаа қилиш) муаммолари бир қатор методист олимлар, чунончи, Т.Д.Полозова, Р.А.Декушева, В.К.Веселова, Л.А.Шейман, И.И.Чернова, Н.Г.Ермилова, Н.К.Силкин, Н.А.Бодрова, В.П.Полухина, Н.И.Светловская, Г.М.Воловникова, И.С.Забарский, Л.Т.Пантелеевалар томонидан тадқиқ этилган. Бу масала юзасидан Р.В.Глинтершчик ҳам ўз мулоҳазаларини баён этган.

Машғулотдан ташқари китоб ўқиш учун ўқитувчи бир мавзу, кўтарилаётган бир муаммо доирасида, ҳатто бир йирикроқ асар бўйича бир нечта парча танлаши мумкин. Бунда кутубхонанинг, ўзбек тили хонасининг китоб имкониятларидан ҳам келиб чиқиш зарур. Умуман, синфдан ташқари ўқиш учун китобни тўғри танлаш керак.

Ўзбек тилида бадиий матнни мустақил ўқиш жараёни дарсларда ҳосил қилинаётган кўникмаларни янада ривожлантириш тариқасида ташкил этилаётган бўлса-да, бундаги энг катта камчилик шундаки, бундай мутолаа жараёнига ўқитувчининг том маънода раҳбарлиги кўринмаяпти. Зеро, ўқитувчи бу борада аниқ йўл-йўриқларга эга ҳам эмас. Аслида, дарс (машғулот) дан ташқари ўқишдан кўзда тутилган мақсадга ана шу раҳбарлик орқалигина эришиш мумкин. Шундагина мўлжалдаги иш турлари мукамал рўёбга чиқарилади.

Ўзбек тили дарсида ўқитувчи мустақил ўқишни бўш ўтирган ўқувчиларни нима биландир машғул қилиш ниятида ташкил этади. Лекин бундай ўқиш натижалари, назорат усуллари ҳақида уларга ҳеч нарса демайди, кўп вақт бу ишни амалга оширмайди ҳам. Шу боис ўқувчиларнинг асарни ўқиб чиққанликлари билан кифояланади, холос.

Бугун ахборот олиш маданияти китобни ўқиш билангина кифояланмасдан, айрим қўшимча билим ва малакаларни эгаллаш, чунончи, конспект, цитаталар, кўчирмалар олиш, луғатлар ва маълумотномалардан фойдаланишни ҳам тақозо этади. “Ўқилганларни англаб етиш ва ўз муносабатини оғзаки ва ёзма шаклларда ифодалай билиш – шахсий кундаликка қилинадиган ёзувлар, тақризлар, деворий газетага мақолалар, ижодий иншо-миниатюралар, муҳокама-иншолар, қисқа шарҳлар, китоб ҳақида суҳбатлар, аннотациялар ва шу кабилар”¹ орқали шаклланади. “Ана шу жараёнда ўқувчиларни ўқилган парчани мустақил таҳлил қилишга одатлантириш муҳим роль ўйнайди”². Уларга парча юзасидан тадқиқот ўтказиш учун бир нечта мавзу бериб қўйиш ҳам фойдалидир.

Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун дарс (машғулот)дан ташқари ўқишга

¹ Декушева Р.А. Оптимизация процесса развития культуры чтения учащихся карачаевских школ в системе факультативных и внеклассных занятий русской литературой. Автореф.канд. ...дис. пед.наук. – М., 1981. – С. 8.

² Қориева Р. Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романини мустақил ўрганиш масалалари // Мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитишни такомиллаштириш масалалари. Методик тавсиялар. Тошкент: ЎзПФТИ, 1984. – Б. 61-65.

мўлжалланган асарлар тўпламлари нашр қилинмаган, уларнинг тахминий рўйхатлари ҳам тузилмаган. Бу борада махсус изланишлар олиб бориш тақозо қилинади. Биринчи навбатда ўқитувчининг кўлида ана шундай материаллар мавжуд бўлиши керак.

Дарсдан ташқари китоб ўқишга асардан олинган парчанинг катта-кичиклигига кўра 2-3 ҳафта ажратилади. Шу орада ўқитувчи ўқувчиларга тегишли маслаҳатлар бериб боради. Бу пайтда китоб ўқиш мобайнида ўқувчиларнинг қизиқишларини сақлаб туришга жиддий эътибор бериш талаб қилинади. Парчадаги айрим нотаниш сўзлар ўзбек тили машғулотида тушунтириб турилгани, мактаб коридоридаги доскага ёзиб борилгани маъқул.

Ўқувчиларга дарс (машғулот)дан ташқари ўқиш учун тавсия этиладиган асарларнинг ҳажми ҳақида рус адабиётини ўқитиш методикасида турлича фикрлар бор. Л.А.Шейманнинг тавсиясига кўра, II-IV синфларда 5-20 бет (II синфда 5-10, III да 10-15, IV да 15-20); V-VII синфларда 20-70 бет (V да 20-30, VI да 30-45, VII да 45-70); VIII-X синфларда 70-150 (VIII да 70-90, IX да 90-120, X да 120-150)¹. Муаллифнинг эътирофи этишича, булар меъёрий кўрсаткичлар эмас, балки чамалар, холос. Умуман, уйда камида бир соат китоб ўқиш керак (21-бет). Узлуксизлик ҳар куни ўқиш орқали таъминланади. Шунингдек, масаланинг бошқа қирраси ҳам бор: ҳажми каттароқ парчаларнинг дастлабкисида сўз ўрганишга эътибор кўпроқ қаратилса, кейингиларида такрор ишлатилиш хусусиятига кўра аввалги лексика жадал ўзлашади, нотаниш сўзлар эса камайиб боради. Натижада аста-секин матнлар ҳам ҳажман катталашади. Албатта, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари мутолаа қиладиган ўқув фанлари кўп. Бизнингча, ҳафтада 2-3 кун бир соатдан ўқиш билан шуғулланилса, шунинг ўзи кифоя қилади.

Синфдан ташқари ўтказиладиган дарс (машғулот)га қадар ўқитувчи ўқувчилар билан суҳбатлар ўтказиб туради. Бунда уларнинг парчани қандай тушунганликларига эътибор бериб, дарсда бажариладиган ишларни режалаштиради ва ўзи тузган режага тузатишлар киритади. Шунингдек, ўқувчилар билмаган айрим сўзларга изоҳ беради. Баъзи гаплар мазмунини англашга ёрдам беради. Асардан олинган парчада олдинги қисмларда акс этган баъзи воқеалар баёни аниқлик киритишни тақозо этганда, ўқитувчи шу воқеалар ҳақида гапириб бериши ҳам мақсадга мувофиқдир.

Адабиёт намуналарини ўрганиш юзасидан ташкил этиладиган семинарлар ўқувчиларнинг мустақил китоб ўқишларини ташкил этишда, уларда ижодий фаолликни уйғотишда катта имкониятларга эга. Зеро, синфдан ташқари ўқиш дарсларида ёшлар бадиий асарни ўқиганликдан ташқари уни таҳлил ва тадқиқ этганликларини намойиш этсалар, семинарларда адабий материал юзасидан баҳоли қудрат мушоҳада юритишни ўрганадилар.

Адабиётдан ўтказиладиган синфдан ташқари ўқиш дарсларига, семинарга дарс шакли сифатида қаралади. Чунончи, профессор О.Мусурмонова мактабларнинг амалий фаолиятига дарснинг конференция, маъруза, семинар, синов, саёҳат, амалий машғулоти ва бошқа шакллари кенг жорий этилганини

¹ Шейман Л.А. Основы методики преподавания русской литературы в киргизской школе. – Фрунзе: Мектеп, 1982. – С. 19.

алоҳида таъкидлайди¹. Синфдан ташқари ўқиш дарси адабиёт дарсларининг бир турими ёки дарсдан ташқари тадбирлар сирасига кирадими, деган масала муаммолидир. Ушбу масалага Н.А.Бодрова куйидаги изоҳи билан ойдинлик киритади: “Бир томондан, бу ҳақиқатан ҳам дарс, чунки дарс жадвалида ажратилган муайян соатда, бутун синфнинг иштирокида, ҳар бир ўқувчининг маълум ишни бажариши керак бўлган ҳолатда ўтказилади. Айни пайтда бундай номланиш шартлидир, чунки унда одатдаги дарс методларидан ташқари, адабиётдан синфдан ташқари ишларни ўтказишга доир методлар ва усуллардан кенг фойдаланилади. Улар кўп жиҳатдан адабий кеча, анжуманни эслатади”².

Ўзбек тили ўқитувчилари билан ўтказилган суҳбатлардан, сўровнома натижаларидан маълумки, улар семинар машғулотларини ташкил этадилар, бунда ўқувчилар орасидан маърузачилар белгилайдилар. Албатта, маърузачилар (русийзабон ўқувчилар) кўлига тегишли манбаларни ҳам бериб кўядилар. Аслида маъруза ёки реферат ўқувчининг ўзи томонидан тайёрланиши, мустақил ижодий фикрлаш маҳсули сифатида тақдим этилиши керак.

Ўзбек тили машғулотларида семинарларни ўтказишдан кўзланадиган мақсад кўшимча равишда танланган адабий материаллар устида ишлаш саналиши мумкин. Тадқиқотда семинар машғулотларини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ўзига хосликларга алоҳида тўхтаб ўтилган.

Семинарга тараддуд кўриш жараёни якка ва гуруҳли ташкил этилиши мумкин. Гуруҳли шакл танланганда, ўқитувчиларни 6X6X6 тарзида бўлиб чиқади ва улар орасида мусобақали вазият юзага келтиради.

Жамоа бўлиб тайёрланган жавоблар ёки маърузалар муҳокама қилинганда, қувноқлар ва топқирлар клуби командалари беллашувини эслатадиган беллашув ҳолати туғилади, тайёрланган жавоб гуруҳ аъзолари томонидан ўз шахсий, заҳмат чекилган жавобидай қабул қилинади, ўз фикрлари ҳимоя қилинади, баҳслар, мунозаралар, фикр алмашувлар дарсдаги қизиқарли ўринлар деб ҳисобланади.

Учинчи бобнинг 3-қисми “**Адабий материалларни ўрганишда ахборот технологияларидан фойдаланиш**” деб номланган.

Давр талаби билан бугунги кунда узлуксиз таълим тизимига замонавий ахборот технологиялари дадил кириб келмоқда. Таълим рус тилида олиб бориладиган академик лицей ва касб-хунар коллежларининг ўзбек тили машғулотлари, машғулотдан ташқари ишлар жараёнида адабий материалларни кенгроқ ўрганиш имконини берадиганда ахборот технологияларидан, шу жумладан, электрон дарсликлардан фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. Бугина эмас, электрон вариантдаги бадиий асарлар ҳам китобхонларга ҳавола қилинмоқда.

Педагогика фанлари номзоди С.Адилованинг “Ўзбек тили машғулотларини компьютер технологияси воситасида ташкил этиш” (олий таълим

¹ Мусурмонова О. Адабиёт дарсларини ташкил этишнинг самарали усуллари. - Т.: Ўқитувчи, 1993. 5–бет.

² Бодрова Н.А. Организация уроков внеклассного чтения // Внеклассная и внешкольная работа по литературе. Сб.ст. под ред. проф. Я.А.Ротковича. – М.: Просвещение, 1970. - С. 127.

муассасаларининг русийзабон гуруҳларида)» мавзусидаги номзодлик иши¹ компьютер технологиясини иккинчи тил таълими жараёнига олиб киришнинг назарий асослари кенг ва атрофлича баён этилган қимматли тадқиқот саналади.

Ахборот манбалари ўқувчиларга қўйидаги маълумотларни бера олади: янги нашрдан чиққан бадиий асарлар; ёзувчи ёки шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти, унинг асарлари ва уларга доир аннотациялар; адабий давр ҳақида қисқа шарҳ, шу даврда яшаб ижод қилган ёзувчи ва шоирлар ҳақидаги маълумотлар; адабий асар мазмунини русийзабон ўқувчилар ўқиб тушуна олиши учун луғат; асарга доир савол ва топшириқлар; асар ёки ундан олинган парча юзасидан тестлар; асарнинг тил хусусиятларини англашга доир вазифалар.

Ўқувчилар турли хил саналар, байрамларга тайёргарлик кўрар эканлар, тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш учун шеърӣй ва насрий асарлардан парчалар кидирадилар. Компьютер хотирасида хилма-хил саналар, байрамларга мос танланган асарлар бўлса, ўқувчилар уларни ўқиб ёки кўздан кечириб, керагини танлайдилар ва кўчириб оладилар (принтердан чиқартирадилар). Бу ерда шеърӣй ва насрий асар матнига доир мукамал луғат тавсия қилиниши ҳам фойдадан холи эмас.

Адабий асарни ўқиб, унинг мазмунини русийзабон ўқувчи тушуна олиши учун компьютерда матннинг ўнг тарафига луғат бериш мумкин. Масалан:

| YULDUZLI TUNLAR | Matnga doir lug‘at |
|--|---|
| <p style="text-align: center;">Pirimqul Qodirov</p> <p>Yigirma uch yoshli Humoyunning yigiti yuragi kasallikni axiri yengdi. Oradan bir hafta o‘tgach, u kasal ko‘rishga kelganlarni o‘rnidan turib qabul qildi. Yana ikki kundan so‘ng otasini borib ko‘rish uchun o‘zi uydan chiqdi.</p> <p>Bobur kutubxonaning xonayi xosida qadimiy bir qo‘l yozmani o‘qib o‘tirgan edi. Humoyun uning qarshisida tiz cho‘kib:</p> <p>— Men sizning iltijongiz bilan shifo topmishmen! — dedi.</p> <p>— O‘zinga kelganimdan beri xudodan tilaymenki, siz men uchun qilgan tasaddiqni dargohida qabul etmasin! Bu ulug‘ davlatni barpo etdingiz, hammamizning suyangan tog‘imiz o‘zingizsiz! Parvardigor bizga rahm qilsin! . . .</p> | <p>xonayi xos; xobgoh — спальня</p> <p>tiz cho‘kmoq — встать на колени</p> <p>iltijo — просьба, мольба</p> <p>tasadduq — жертва (жертвоприношение)</p> <p>dargoh — дом, дворец</p> <p>Ko‘hinur olmosi — алмаз Кухинура</p> <p>parvardigor — творец</p> <p>shukur — слава богу</p> <p>karomat — чудо, предсказание</p> <p>ruhoniyy — духовное лицо</p> |

Ўзбек тили машғулоти учун маълумотлар омборини яратиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири эканлиги юқоридаги мушоҳадаларимиздан ҳам яққол кўриниб турибди. Бу борадаги ҳаракатлар энди бошланганини, ҳали мўлжалда қилиниши лозим бўлган ишларнинг кўлами кенг эканини қайд этиш жоиз. Зеро, “Ахборот технологиялари” дарслигида ёзилганидек, “Фойдаланувчиларнинг мустақил ва онгли равишда олиб борадиган фаолиятига ахборот объектларини яратиш, керакли ахборот объектларини излаш, ахборотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва ажратиб олиш, ташкиллаштириш, керакли кўринишда тасвирлаш, ахборот объектларини (матн,

¹ Адилова С.А. Ўзбек тили машғулотидаги компьютер технологиялари воситасида ташкил этиш (олий таълим муассасаларининг русийзабон гуруҳларида): Пед. фан. ном. ... дисс. – Т., 2004.

сухбат, расм, ўйин ва бошқа кўринишда) узатиш, моделлаштириш, лойиҳалаш, объектларни режалаштириш ва бошқалар киреди”¹.

Маълумотлар (билимлар) омборидан фойдаланиш тартиби ҳам бир хил эмас: махсус компьютер дарси ажратиш, компьютердаги билимлар омборидан дарснинг маълум бир қисмида алоҳида босқич сифатида фойдаланиш, ўқувчиларнинг гуруҳли ва ялпи мустақил ишларини ташкил этиш, дарсдан ташқари ўқишни уюштириш. А.А.Мурашов огоҳлантирганидек, ахборот технологияларидан билиб фойдаланиш зарур. Унинг фикрича, “Энг илғор техник воситалардан фойдаланиш мумкин. Лекин агар педагогнинг қалби болаларда эзгулик уйғота олмас экан, ҳеч қандай техника ёрдам беришга қодир эмас”².

Давлат тили таълими жараёнида ўқувчиларнинг ҳар томонлама билимини мустаҳкамлаш ва нутқий фаоллигини ошириш, уларни мустақил фикрлашга ўргатиш борасида педагогик технологияларнинг амалий аҳамияти катта.

Диссертациянинг тўртинчи боби **“Тажриба-синов натижалари ва уларнинг таҳлили”** деб аталган. Унинг 1-қисми **тажриба-синов материалларининг тавсифига** бағишланган.

Узлуксиз таълим тизимида адабий материалларни ўрганиш методикаси юзасидан олиб борилган тадқиқотлар мобайнида илмий асослаш йўли билан чиқарилган хулосалар, уларнинг ишончлилиги, самарадорлиги, мақсадга мувофиқлиги синов йўли орқали ўзининг амалий исботини топиши зарур эди. Тадқиқотнинг сўнгги босқичида аввал ўтказилган тажрибаларни умумлаштирган ҳолда таълим рус тилида олиб бориладиган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўзбек тили дарсларида адабий материалларни умумий ўрта таълим мактабларидаги дарслар билан узвийликда ўрганиш методикасининг самарадорлигини аниқлаш мақсадида эксперимент материали тузилди.

Таълимий (якуний) тажриба-синов қуйидаги парчалар асосида амалга оширилди:

1. Дарсда ўрганиш учун: А.Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романидан “Жасур қиз” парчаси.

2. Синфдан ташқари ўқиш учун: А.Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романидан “Нега ерга қарайсан, Раъно?”, “Анварнинг андишаси”, Анварнинг Худоёрхон билан диалоги акс этган парчалари.

А.Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романидан “Жасур қиз” парчасини ўрганишга доир ишланмаларимизда тавсияларимиз тўлиқ акс эттирилди.

Ишда Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романидан “Жасур қиз” парчасини дарсда ўрганиш юзасидан ҳозирланган синов-тажриба материаллари тавсия этилди.

¹ Абдуқодиров А. ва б. Ахборот технологиялари. – Т.: 2002. 7-бет.

² Мурашов А.А. Из тонких линий идеала. - М.: Просвещение, 1990. – С. 3-4.

Тўртинчи бобнинг 2-җисмида “Тажриба-синов натижалари таҳлили” берилди.

Таълимий синов ишлари Тошкент шаҳар I педагогика коллежи (олий тоифали она тили ва адабиёт ўқитувчиси Набиева Шафоат); Тошкент шаҳар Чилонзор академик лицейида (ўқитувчи Содиқова Фариди); ТДПУ қошидаги педагогика лицейида (ўқитувчи Козимова Зумринисо); Тошкент шаҳар Миробод академик лицейи (педагогика фанлари номзоди, доцент Мирмахсудова Мавлуда, олий тоифали ўқитувчи Самигова Жамила); Ангрен шаҳар тиббиёт коллежи (биринчи тоифали ўқитувчи Мирзанова Раъно, II тоифали ўқитувчи Орзиқулова Нигора); Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги педагогика коллежида (олий тоифали ўқитувчи Юсупова Дилором) ташкил қилинди.

1-жадвал

Ўтказилган тажриба-синов якунида олинган тест натижалари

| Таълим муассасаси | | | Тестлар бўйича жавоблар сони | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|-------------------|-----------|-----------|------------------------------|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|
| Таъл | Синф тури | Ўқ.. сони | 1 | | | 2 | | | | 3 | | 4 | | 5 | | 6 | | | 7 | | |
| | | | а | б | в | а | б | в | г | а | б | а | б | а | б | а | б | в | а | б | в |
| 1. | наз. | 10 | 4 | 2 | 4 | 2 | 4 | 2 | 2 | 6 | 4 | 3 | 7 | 6 | 4 | 3 | 4 | 3 | - | - | - |
| | Пк. Син. | 12 | 5 | 6 | 1 | 2 | 4 | 5 | 1 | 10 | 2 | 6 | 6 | 4 | 8 | 3 | 3 | 6 | 7 | 1 | 4 |
| 2. | наз. | 10 | 6 | 1 | 3 | 4 | 1 | 3 | 2 | 4 | 6 | 4 | 6 | 4 | 6 | 2 | 3 | 5 | - | - | - |
| | Ч. Син. | 19 | 12 | 3 | 4 | 9 | 4 | 2 | 4 | 14 | 5 | 5 | 14 | 4 | 15 | 12 | 3 | 4 | 9 | 7 | 3 |
| 3. | наз. | 9 | 5 | - | 4 | 5 | 2 | 1 | 1 | 3 | 6 | 7 | 2 | 6 | 3 | 2 | 5 | 2 | - | - | - |
| | Ми. син. | 10 | 1 | 9 | - | 3 | 3 | 4 | - | 6 | 4 | 3 | 7 | 4 | 6 | 5 | 3 | 2 | 4 | 2 | 4 |
| 4. | наз. | 6 | 4 | - | 2 | 1 | - | 3 | 2 | 2 | 4 | 3 | 3 | 2 | 4 | - | 6 | - | - | - | - |
| | Пл. син. | 7 | - | 6 | 1 | - | 2 | 5 | - | 5 | 2 | 7 | - | 1 | 6 | 4 | - | 3 | 4 | 2 | 1 |
| 5. | наз. | 10 | 2 | 2 | 6 | 3 | 2 | 2 | 3 | 3 | 7 | 4 | 6 | 7 | 3 | 2 | 7 | 1 | - | - | - |
| | Х син. | 17 | 2 | 9 | 6 | 2 | 5 | 7 | 3 | 10 | 7 | 11 | 6 | 5 | 12 | 4 | 8 | 5 | 10 | 5 | 2 |
| 6. | наз. | 10 | 10 | - | - | - | - | 9 | 1 | 10 | - | - | 10 | 2 | 8 | 1 | 4 | 5 | - | - | - |
| | Ан. син. | 14 | 11 | 3 | - | - | 1 | 13 | - | 14 | - | 2 | 12 | 6 | 8 | 6 | - | 8 | | | |
| Жами | наз. | 55 | 31 | 5 | 19 | 15 | 9 | 20 | 11 | 28 | 27 | 21 | 34 | 27 | 28 | 10 | 29 | 16 | - | - | - |
| | син. | 79 | 31 | 36 | 12 | 16 | 19 | 36 | 8 | 59 | 20 | 34 | 45 | 24 | 55 | 34 | 17 | 28 | 34 | 17 | 14 |

Назорат ва синов синфларида асар устидаги ишларга еттига тест асосида баҳо бериш маъқул топилди.

Тест натижаларини 1-жадвалда акс эттиришда ихчамлик яратиш учун таълим муассасалари рақамлар билан кўрсатилди. Чунончи: Тошкент шаҳар I педагогика коллежи – 1. Тошкент шаҳар Чилонзор академик лицейида – 2. Тошкент шаҳар Миробод академик лицейи – 3. ТДПУ қошидаги педагогика

лицейи – 4. Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги педагогика коллежи – 5. Ангрен шаҳар тиббиёт коллежи – 6.

1-жадвалдан қониқарли ва қониқарсиз жавобларни яққол ажратиш қийин бўлганлиги учун уларни икки гуруҳга: юқори (яъни қониқарли) ва қониқарсиз гуруҳларга ажратилди. Бунда қуйидагилар инобатга олинди: Тестларга доир берилган жавоб вариантлари орасида битта тўғри, баъзи пайтларда 2 та тўғри ва нисбатан тўғри жавоб (1-тестда а ва б пунктларидаги жавоблар; 2-тестда б ва в пунктларидаги жавоблар; 6-тестда а ва в пунктларидаги жавоблар), қолганлари нотўғриларидир. Шунга кўра ҳам тўғриларини юқори, яъни А даража, нотўғриларини қониқарсиз, яъни Б даража деб белгиланди ва тест синов натижаларини даражаланган ҳолатда акс эттирилиб, 2-жадвалга киритилди (7-тест фақат синов синфларига тегишли бўлгани учун даражаланган натижаларга қўшилмади). Бу жадвал математик таҳлил учун ҳам, статистик таҳлил учун ҳам қулай саналади.

2-жадвал

Ўтказилган тажриба-синов якунида олинган тестларнинг даражаланган натижалари

| Тестлар ва жавоб вариантлари | Назорат синфлари ўқувчилари (55 ўқувчи) жавоблар сони | | Синов синфлари ўқувчилари (79 ўқувчи) берган жавоблар сони | |
|------------------------------|---|-------------|--|-------------|
| | А | Б | А | Б |
| 1. | 36 - 65,4 % | 19 - 34,6 % | 67 - 84,8 % | 12 - 15,2 % |
| 2. | 29 - 52,7 % | 26 - 47,3 % | 55 - 69,6 % | 24 - 30,4 % |
| 3. | 28 - 50,9 % | 27 - 49,1 % | 59 - 74,6 % | 20 - 25,4 % |
| 4. | 21 - 38,2 % | 34 - 61,8 % | 34 - 43,1 % | 45 - 56,9 % |
| 5. | 27 - 49,1 % | 28 - 50,9 % | 24 - 30,4 % | 55 - 69,6 % |
| 6. | 26 - 47,3 % | 29 - 52,7 % | 62 - 78,4 % | 17 - 21,6% |

Чилонзор академик лицейи

I.

| Синф тури | Критер. Ўқ..сони | А | Б | В |
|-----------|------------------|----|---|---|
| Назорат | 10 | 6 | 1 | 3 |
| Синов | 19 | 12 | 3 | 4 |

II.

| Синф тури | Критер. Ўқ..сони | А | Б | В | Г |
|-----------|------------------|---|---|---|---|
| Назорат | 10 | 4 | 1 | 3 | 2 |
| Синов | 19 | 9 | 4 | 2 | 4 |

VI.

| Синф тури | Критер. Ўқ..сони | А | Б | В |
|-----------|------------------|----|---|---|
| Назорат | 10 | 2 | 3 | 5 |
| Синов | 19 | 12 | 3 | 4 |

I педагогика коллежи**I.**

| Синф тури | Критер. Ўқ..сони | А | Б | В |
|-----------|------------------|---|---|---|
| Назорат | 10 | 4 | 2 | 4 |
| Синов | 12 | 5 | 6 | 1 |

II.

| Синф тури | Критер. Ўқ..сони | А | Б | В | Г |
|-----------|------------------|---|---|---|---|
| Назорат | 10 | 2 | 4 | 2 | 2 |
| Синов | 12 | 2 | 4 | 5 | 1 |

VI.

| Синф тури | Критер. Ўқ..сони | А | Б | В |
|-----------|------------------|---|---|---|
| Назорат | 10 | 3 | 4 | 3 |
| Синов | 12 | 3 | 3 | 6 |

Педагогика коллежи (Хоразм)**I.**

| Синф тури | Критер. Ўқ..сони | А | Б | В |
|-----------|------------------|---|---|---|
| Назорат | 10 | 2 | 2 | 6 |
| Синов | 17 | 2 | 9 | 6 |

II.

| Синф тури | Критер. Ўқ..сони | А | Б | В | Г |
|-----------|------------------|---|---|---|---|
| Назорат | 10 | 3 | 2 | 2 | 3 |
| Синов | 17 | 2 | 5 | 7 | 3 |

VI.

| Синф тури | Критер. Ўқ..сони | А | Б | В |
|-----------|------------------|---|---|---|
| Назорат | 10 | 2 | 7 | 1 |
| Синов | 17 | 4 | 8 | 5 |

Олинган натижаларни $H_0: P_1 = P_2$ гипотеза билан X критерийда ишончлиликлка текширамыз. Бунда $\alpha = 0,05$ қийматлиликл даражасы бўйича $T_\alpha = 5,991$ (эрклилик даражасы $\nu = 4 - 1 = 3$) бўлганда, $T_\alpha = 7,815$ ($\nu = 3 - 1 = 2$ бўлганда) критик чегаравий қиймат билан таққослаймыз.

Чилонзор академик лицейи.**I.**

$$T_1 = \frac{1}{10 \times 19} \left[\frac{(10 \times 12 - 19 \times 6)^2}{6+12} + \frac{(10 \times 3 - 19 \times 1)^2}{1+3} + \frac{(10 \times 4 - 19 \times 3)^2}{3+4} \right]$$

$$= \frac{1}{190} \left(\frac{36}{18} + \frac{121}{4} + \frac{289}{7} \right) = \frac{73,3}{190} = 0,4$$

II.

$$T_2 = \frac{1}{10 \times 19} = \left[\frac{(10 \times 9 - 19 \times 4)^2}{4+9} + \frac{(10 \times 4 - 19 \times 1)^2}{1+4} + \frac{(10 \times 2 - 19 \times 3)^2}{3+2} + \frac{(10 \times 4 - 19 \times 2)^2}{2+4} \right] = \frac{1}{190} \left(\frac{196}{13} + \frac{441}{5} + \frac{1369}{5} + \frac{4}{6} \right) = \frac{15,1 + 362 + 0,67}{190} =$$

$$= \frac{377,77}{190} = 1,99$$

VI.

$$T_6 = \frac{1}{10 \times 19} \left[\frac{(10 \times 12 - 19 \times 2)^2}{2+12} + \frac{(10 \times 3 - 19 \times 3)^2}{3+3} + \frac{(10 \times 4 - 19 \times 5)^2}{5+4} \right] =$$

$$= \frac{1}{190} \left(\frac{6724}{14} + \frac{729}{6} + \frac{3025}{9} \right) = \frac{480,3 + 121,5 + 336,1}{190} = 4,4$$

I педагогика коллежи**I.**

$$T_1 = \frac{1}{10 \times 12} \left[\frac{(10 \times 5 - 12 \times 4)^2}{4+5} + \frac{(10 \times 6 - 12 \times 2)^2}{2+6} + \frac{(10 \times 1 - 12 \times 4)^2}{4+1} \right] =$$

$$= \frac{1}{120} \left(\frac{4}{9} + \frac{1296}{8} + \frac{1444}{5} \right) = \frac{0,44 + 162 + 288,8}{120} = 3,76$$

II.

$$T_2 = \frac{1}{10 \times 12} \left[\frac{(10 \times 2 - 12 \times 2)^2}{2+2} + \frac{(10 \times 4 - 12 \times 4)^2}{4+4} + \frac{(10 \times 5 - 12 \times 2)^2}{2+5} + \frac{(10 \times 1 - 12 \times 2)^2}{2+1} \right] = \frac{1}{120} \left(\frac{16}{4} + \frac{64}{8} + \frac{676}{7} + \frac{196}{2} \right) = \frac{4 + 8 + 96,6 + 98}{120} = 1,8$$

VI.

$$T_6 = \frac{1}{10 \times 12} \left[\frac{(10 \times 3 - 12 \times 3)^2}{3+3} + \frac{(10 \times 3 - 12 \times 4)^2}{4+3} + \frac{(10 \times 6 - 12 \times 3)^2}{3+6} \right] =$$

$$= \frac{1}{120} \left(\frac{36}{6} + \frac{324}{7} + \frac{576}{9} \right) = \frac{6 + 46,3 + 64}{120} = \frac{116,3}{120} = 0,97$$

Педагогика коллежи (Хоразм)

I.

$$T_1 = \frac{1}{10 \times 17} \left[\frac{(10 \times 2 - 17 \times 2)^2}{2+2} + \frac{(10 \times 9 - 17 \times 2)^2}{2+9} + \frac{(10 \times 6 - 17 \times 6)^2}{6+6} \right] =$$

$$= \frac{1}{170} \left(\frac{196}{4} + \frac{3136}{11} + \frac{1764}{12} \right) = \frac{49 + 285,5 + 147}{170} = 2,83$$

II.

$$T_2 = \frac{1}{10 \times 17} \left[\frac{(10 \times 2 - 17 \times 3)^2}{3+2} + \frac{(10 \times 5 - 17 \times 2)^2}{2+5} + \frac{(10 \times 7 - 17 \times 2)^2}{2+7} + \right.$$

$$\left. + \frac{(10 \times 3 - 17 \times 3)^2}{3+3} \right] = \frac{1}{170} \left(\frac{961}{5} + \frac{256}{7} + \frac{1296}{9} + \frac{441}{6} \right) = \frac{192,2 + 36,6 + 144 + 73,5}{170} = 2,63$$

VI.

$$T_6 = \frac{1}{10 \times 17} \left[\frac{(10 \times 4 - 17 \times 2)^2}{2+4} + \frac{(10 \times 8 - 17 \times 7)^2}{7+8} + \frac{(10 \times 5 - 17 \times 1)^2}{1+5} \right] =$$

$$= \frac{1}{170} \left(\frac{36}{6} + \frac{2401}{15} + \frac{1089}{6} \right) = \frac{6 + 160,1 + 181,5}{170} = 2,045$$

Юқоридаги натижалардан кўрамик, $\alpha = 0,05$ учун жадвал бўйича топилган (эрклилик даражаси $\nu = 2$ ёки $\nu = 3$ бўлганда) статистик критерийнинг критик қиймати $T_{\text{критик}} = 7,815$ учун барча ҳолларда $T_i < T_{\text{критик}}$ тенгсизлик ўринли бўлади, $i = 1, 2, \dots, 6$. Шунинг учун олинган натижалар нол гипотезани инкор қилишга етарли эмас, уни қабул қиламиз. Бошқача айтганда нол гипотезани инкор қилишга асос йўқ, назорат ва синов гуруҳларида ўзлаштириш имкониятлари тенг ($P_1 = P_2$), бироқ ўзлаштириш натижалари (жадвалларга кўра) тажриба гуруҳларида юқори. Бу эса ўз навбатида, синов гуруҳларида қўлланилган барча воситаларнинг устунлигини кўрсатади.

Агар назорат ва синов гуруҳларидаги ўқувчилар сони яна орттирилса натижа бундан ҳам юқори бўлишини кўриш мумкин (бу ҳол барча гуруҳларни биргаликда олиб қаралганда кўзга ташланади).

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Узлуксиз таълим тизимида (таълим рус тилида олиб бориладиган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида) ўзбек адабиётини ўрганишнинг назарий-методик асослари юзасидан олиб борилган тадқиқот ишлари қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини берди:

1. Адабиёт ўқитиш методикаси, психология, лингвопсихологияга доир адабиётларда талқин қилинишича, “матн мазмунини тушуниш” ва “бадий матнни идрок этиш” ўзаро фарқли тушунчаларни ифода этиб, ўзбек тили дарсларида илмий мақола типидagi матн устидаги ишларга “матн мазмунини тушуниш” хос, адабий материалларни ўқиб-ўрганишга нисбатан матн мазмунини тушунишга асосланadиган ва ундan кейинги босқични характерлайдиган “бадий матнни идрок этиш” тушунчасини қўллаган маъқул. Кейингисидa санъатдаги шартлиликни англаш жараёни содир бўлади.

2. Таълим рус тилидаги мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўзбек тили дарсларида ўқувчилар ўқув матнини ўқиш ва мазмунини тушуниш, ўзлаштиришга шу даражада одатланиб қоладиларки, бадий асардан олинган парчани ҳам ўқув матни деб қабул қилadилар, ўқитувчи қўллаб келган ўқишга ўрганиш методикасидан андоза олиб, ушбу парчани ҳам ўқиб, мазмунини тушуниш ва ўзлаштириш пайида бўладилар.

3. Бадий матнда тасвирланган воқеа-ҳодисалар реал борлиқнинг нусхаси бўлмаганлигини назарда тутганда, ундаги фактик материалларни ўзлаштириш тўқима гапларни эслаб қолиш билан баробар. Бундай хатоликларнинг олдини олиш учун ўзбек тили ўқитувчиси ўқувчини бадий матнни ўқишга, идрок этишга йўналтириши даркор. Ўзбек тилидаги бадий матнни ўқиш, идрок этишга ўрганиш жараёнида “содда реализм”ни босқичма-босқич енгиб ўтиш чораларини кўриш, асарда тасвирланганлар бадий шартланганлиги тушунчасини сингдириш лозим.

4. Мавжуд илмий-назарий тадқиқотларни кузатиш ҳамда ўтказилган тажрибалар бадий асарни идрок этиш жараёнининг қуйидаги изчилликда кечишини кўрсатади:

1) асарни ўқиш жараёнида ундan ўқув-билув йўли билан янги фактик билимлар олиш асосий мақсад ҳисобланмайди;

2) асарни илк бор ўқиш (дастлабки идрок этиш) чоғида унда тасвирланган образлар ўқувчининг кўз ўнгида гавдаланиб, эсда сақлаб қолинади, лекин улар ҳали тўлиқ англабмайди;

3) бадий образнинг тўлиқ англаб олиниши учун таҳлил усули қўлланади, бунда бадий образнинг умумий тавсифи очилади, дастлабки тасаввур “барқарорлашади”;

4) бадий матн устидаги таҳлилий ишлар натижасида нутқ ўстириш билан бирга бадий образларни қайта яратиш жараёни кечади, бунинг якунида ўқувчининг асардаги образ ҳақида ўз шахсий мулоҳазалари қўшилган тасаввур субъектив образ-тасаввурга айланади; ўқувчи фикран (хаёлан) қайта

яратган бадий образ субъектив образ-тасаввурни ўзида акс эттириб, идрок этиш жараёнининг мукамалликка эришганидан далолат беради;

5) бадий асарни идрок этиш жараёни икки босқичли структурани ифода этиб, биринчисида бадий образ бир бутун идрок этилади, иккинчисида аналитик-синтетик фаолият якунида образнинг умумлашган маъниси (маъно-мазмуни) қабул қилинади.

5. Асар қаҳрамонларини тушунишнинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти катта эканлиги айна ҳақиқат. Лекин адабий материалларни ўрганиш жараёнида шахснинг ахлоқий, интеллектуал фазилатларини англаш, аниқлаш, фарқлаш, мос сўз топиб аташ, одатда, катта қийинчиликлар туғдиради. Шахснинг хислатларини очувчи сўзларни билиб олиш ҳали шу сўзлар англаган тушунчаларни билиш деган гап эмас. Эслатиш жоизки, мактабда бундай тушунчалар тизим ҳолида махсус ўрганилмайди.

6. Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун мўлжалланган ДТС талабларида адабий материалларни ўқиб-ўрганиш билан боғлиқ эгалланадиган билимлар, кўникма ва малакалар сираси максимал даражада кўрсатилган деб ҳисоблаш мумкин. Чунончи, ўрганилган мумтоз адабиёт намуналари қаҳрамонларига ёзма ва оғзаки тавсиф бера олиши; ғазални ўз тушунчаси доирасида мустақил шарҳлай олиши; ғазаллардаги инсоний ва илоҳий муҳаббатни ажрата олиши, улардаги ошиқ-маъшуқа образларини таққослай олиши; ўрганилган асарлар юзасидан иншо ёза олиши ва бошқалар. Русийзабон ўқувчиларнинг бу даражада адабий тайёргарликка эга бўлишлари учун махсус адабиёт дарслари кўзда тутилмаган, адабий материаллар ўзбек тили дарс(машғулот)лари таркибида ўтиладиган бир шароитда эгаллаб бўлмайдиган марра саналиши мумкин.

7. Ўқув фанини ўқитишда кўзда тутилиши лозим бўлган принциплардан бири асосий мақсадни белгилаш ва уни деталлаштириш принциpidир. Ўзбек тили дарс (машғулот)ларида ўқув матни устида ишлашда ўқишга (ўқиш техникасига, матндан ахборот олишга) ўргатиш, нутқ ўстириш асосий мақсадлар сирасига кирса, адабий материалларни мутолаа қилишда ўқувчининг шарқона адабий тайёргарлигини таъминлаш, уни миллий маънавият, ўзбек халқининг ҳаёти билан яқиндан таништириш, ёшларнинг турмуш тажрибасини орттириш асосий мақсад қилиб олинади.

8. Таълим тизимига жорий этилаётган коммуникатив ёндашув, инсонпарварлаштириш, гуманитарлаштириш, узлуксизлик ва узвийлик каби принциплар қатори, адабий материалларни ўрганишда ўқувчиларнинг рус адабиёти дарсларида олган билим, кўникма ва малакаларига таяниш принципига алоҳида эътибор берилади: ушбу принципга амал қилиш адабиёт назариясига доир рус адабиёти дарсларида олинган билимларни такрор ўрганишнинг олдини олиш, шу билимлардан фойдаланиш орқали эса асар таҳлилига шароит яратиш учун кенг имкониятлар яратилади. Шунингдек, бадий асарларни ўрганиш самарадорлиги ўзбек тилини ўрганишдаги муваффақиятларга боғлиқлиги принципи муҳим аҳамият касб этади.

9. Илк бор бадий асар устида олиб бориладиган иш методлари мавжуд методик адабиётлар асосида назарий талқин қилиниб, ўзбек тили дарсларида

ҳам муаммоли баён, изланиш, тадқиқот олиб бориш каби методларга устувор аҳамият бериш, адабий материалларни ўрганиш билан боғлиқ босқичларни ижодий ташкил этиш, адабий таълим ва тарбиянинг бирлигини рўёбга чиқаришда маънавий-руҳий жиҳатларга эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқ деб топилди. Шунга кўра ҳам, адабий материалларни ўрганишда, бир томондан, ижодий иш турларига, иккинчи томондан, ўқувчиларни мустақил мутолаа билан боғлиқ руҳий сифатларига, адабий тайёргарлик даражасининг ортиб боришига эътибор қаратилди.

10. Ўзбек тили дарсларида русийзабон ўқувчиларнинг билим ва нутқий ривожланиш савияси берадиган имкониятга кўра, бадиий асардан олинган парчани эстетик идрок этишнинг биринчи шарти ундаги барча сўзларни ўқиб тушуна оладиган даражадаги тайёргарлик амалга оширилган бўлиши керак. Дастлаб бу сўзларни ўқиб тушуниш мумкин бўлган (пассив) даражада ўзлаштиришга эришиш лозим деб топилди. Бир неча дарс олдин оз-оздан луғат ишини ташкил этиш кераклигини мавжуд имкониятларнинг етарли эмаслиги тақозо этади.

11. Ўзбек тили дарсларида асосан услубий нейтрал, сўзлашув нутқида хос сўзлар ўрганилади. Бадиий асарларда ишлатиладиган сўзлар икки даражада қўлланади: 1) луғавий маъно даражасида ва 2) поэтик, образли даражада. Сўзларнинг поэтик, образлилик жиҳатлари (айниқса, кўп маънолилиги) адабий материал муносабати билан ўрганилади ва бу иш асарни ўқишда устувор йўналиш касб этади. Ўзбек тилидаги бундай лексиканинг рус тилидаги ифодаси ҳамма вақт ҳам поэтик бўлмаслигини ҳам инобатга олмоқ даркор.

12. Адабий асарни ўқишдан олдин ўқитувчининг кириш сўзи, матн устидаги ишлар ниҳоясида эса унинг якуний сўзининг бўлиши зарурат деб ҳисоблаш лозим. Бунда қуйидаги масалалар ўқитувчига аён бўлиши керак: нима ҳақида қандай гапириш (нутқнинг жонли чиқишига қандай қилиб эришиш), сўзни нимадан бошлаш, қандай қилиб ўқувчиларда қизиқиш уйғотиш ва уни ушлаб туриш, ўқувчиларда қандай қилиб ҳиссий тайёргарлик юзага келтириш; кириш сўзни қандай бошлаш; бунда баъзан эпиграфга эътибор бериш; кириш сўзи пайтида ўқувчилар нима қилишлари кераклиги, бунда ўқувчиларни қандай қилиб фаоллаштириш мумкинлиги; қандай воситалардан фойдаланиш зарурлиги; ўқиладиган асарнинг нимасига ўқувчиларни тайёрлаш; акс алоқани қай тарзда йўлга қўйиш. Таъкидлаш жоизки, берилаётган маълумотлар ҳаётий муҳим бўлса, кириш сўзнинг қиймати яна ҳам ортади.

13. Асарни ўқиш ва таҳлил қилиш билан боғлиқ бажариладиган иш турларини қуйидаги босқичларга монанд ажратиш мақсадга мувофиқ:

- 1) асарни ўқишдан олдин бажариладиган иш турлари;
- 2) асар устида ишлаш жараёни билан боғлиқ ишлар;
- 3) асар ўқиб бўлингандан кейин бажариладиган иш турлари.

14. Ўқитувчининг қўлида методик тавсияларнинг етарли ёки етарли эмаслигидан қатъи назар дарсга тўғри йўналиш берадиган воситалар – булар матнга доир бериладиган савол ва топшириқлардир. Ушбу воситалар тизими қанчалик мукамал бўлса, асар устидаги ишларнинг методик қурилиши ҳам шунчалик юқори даражада бўлади. Академик лицей ва касб-ҳунар

коллежларининг ўзбек тили машғулоти адабий асарга доир савол ва топшириқларнинг методик йўналганлик даражаси умумтаълим мактаблари учун нашр қилинган “Ўзбек тили” дарсликлари адабий материаллар нуқтаи назаридан баркамол бўлишига, узлуксизлик ва узвийликни таъминлаш учун пойдевор бўла олишига боғлиқ. Бунда бадиий матн мазмунини ўзлаштиришга қаратилган савол ва топшириқларга камроқ ўрин ажратиш мақсадга мувофиқдир.

15. Дарсликларда бадиий идрокни таъминлаш, образларнинг умумий ва конкрет маъносига кириб бориш, ҳаёт билан, ватан адабиёти билан алоқасини ўрнатиш, илгари олинган билим ва малакаларни тиклаш, янгилари билан танишиш, уларга таяниш орқали ўқувчиларни бадиий матнлар билан ишлашга йўналтирувчи савол ва топшириқларнинг аниқ тизими мавжуд эмас.

16. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўтказиладиган машғулотлардан ташқари тадбирларнинг маълум қисми (ёзувчи ва шоирлар, адиблар билан учрашувлар, ёзувчи ва шоирларнинг ҳаёти ва ижодига, адиб фаолиятига бағишланган адабий кечалар, китобхонлик конференциялари, жамиятлар, клублар, деворий газета, алоҳида мавзуларга доир кўргазмалар, ўқувчилар анжуманлари, викториналар, олимпиадалар, танловлар ва бошқалар) адабий материалларни ўрганиш билан боғлиқ равишда ўтади.

17. Бирор ёзувчи ёки шоирнинг таваллуд кунига, ижодига бағишланган адабий кеча ёки адиб билан учрашув кечаси ўз мазмунида маъруза, шеърхонлик, сахна кўринишлари, кўшиқларни акс эттиради. Демак, тадбирга кўриладиган тайёргарлик ишлари маъруза матнини тузиш, шеър ва кўшиқлар танлаш, сценарийлар ёзиш, сахналаштириш кабиларни ўз ичига олади. Адабий кечанинг энг масъулиятли қисмларидан бири маъруза ёки чиқишлардир. Тадбирнинг руҳи, мақсад сари йўналганлиги кўп жиҳатдан ана шу қисмда очилади. Адабий кечадаги маъруза том маънодаги шарҳли ваъз бўлмаса-да, унинг асосий шартларини ҳисобга олиб тузилмоғи даркор.

18. Адибнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбирни ташкил этиш ва ўтказишда русийзабон ўқувчиларнинг ўқиб ўрганган материаллари назарда тутилмоғи ва эгалланган билимларни кенгайтириш кўзланмоғи лозим.

19. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида ўзбек тилида китобхонлик кўникмаларини ҳосил қилиш адабий тайёргарликнинг узвий бир қисми саналиб, амалий зарурияти шундаки, бўлажак касб эгаларининг меҳнат фаолияти жараёнида турли хилдаги хат-ҳужжатларни, даврий матбуот материалларини (хабар, илмий мақола, танқидий мақола, фельетон ва ҳоказолар), қолаверса, бадиий асарларни ўқиб мазмунини тушунишга тўғри келиши, дарс (машғулотлар)да ўрганиб улгурилмаган адабий материаллар устида ишлаш кераклиги билан изоҳланади.

20. Дарсдан ташқари ўқишга ўқитувчи жиддий тайёргарлик кўради: кириш сўзини тайёрлайди, дарс режасини тузади, уни бошқаради. Бундай дарс ўқилганлар юзасидан бажарилган ишларни умумлаштириш мақсадини кўзда туттади. Шунингдек, ўқувчиларнинг мустақиллигини ошириш ниятида дарсни шарҳли ўқиш шаклида ёки дарс-суҳбат, фикр алмашув шаклида ўтказилади. Дарс

кўриниши жиҳатидан маслаҳат-дарс, суҳбат, изоҳли ўқиш дарси, адабий композиция, дарс-лекция ва бошқалар, баъзан қайта ҳикоя-таҳлиллар шаклида бўлиши мумкин.

21. Таълим рус тилида олиб бориладиган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўзбек тили машғулотида, адабий материалларни ўрганишда турли хилдаги ахборотлар, зарур маълумотларни ўзида мужассамлаштирган ахборот технологияларидан, шу жумладан, электрон дарсликлардан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Адабий асарни ўқиб, унинг мазмунини русийзабон ўқувчи тушуна олиши учун компьютерда матннинг ўнг тарафига луғат бериш мумкин.

Т а в с и я л а р

Олиб борилган тадқиқот ишлари, ўтказилган эксперимент натижалари ва чиқарилган умумий-илмий хулосаларга асосланган ҳолда диссертация мавзуси юзасидан қуйидаги тавсиялар берилади:

1. Узлуксиз таълим тизимида адабий материалларни ўрганиш юзасидан олиб бориладиган таълим методикасини илмий мақола типигаги ўқув матнларида бажариладиган одатдаги матнни ўқиш, рус тилига таржима қилиш, саволларга жавоб олиш каби иш турларидан фарқлантириш, ўзбек адабиётини ўқитишнинг русийзабон ўқувчилар имкониятларига мос келадиган методикасини қўллаш.

2. Ўзбек тили дарс (машғулоти) ларида бадиий асарни тўлиқ ва чуқур тушуниб ўқишга ўқувчиларни тайёрлаш имконини берувчи босқичга устивор аҳамият бериш.

3. Дарс (машғулоти)нинг изоҳли ўқиш босқичида бажариладиган барча ижодий иш турларини, муаммоли масалаларни ҳал этишда таҳлилни ўз ҳолича эмас, балки матнга қайта-қайта мурожаат этиш, мутолаа қилиш билан олиб бориш.

4. Узлуксиз таълим тизимида таълим рус тилида олиб бориладиган ўқув муассасалари учун замонавий адабиёт дарсларини, дарсдан ташқари ишларни ўзида мужассамлаштирган, русийзабон ўқувчиларни мустақил фикрлашга ундайдиган методик тавсиялар яратиш.

5. “Ўзбек тили” дарсликларини рус мактаблари учун алоҳида, қардош тиллар учун алоҳида яратиш.

6. Ўзбек тили ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари мавзуларига ўзбек адабиётини ўрганиш юзасидан тегишли тўлдиришлар киритиш.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ МУАЛЛИФНИНГ ЧОП ЭТИЛГАН ҚУЙИДАГИ ИШЛАРИДА ЎЗ АКСИНИ ТОПГАН

Монография ва илмий журналларда чоп этилган мақолалар

1. Ниёзметова Р. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганиш методикаси (Монография). –Тошкент: Фан, 2006 .- 216 б.
2. Ниёзметова Р. Ўзбек тили дарсларида ёзувчи ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганишнинг маърифий аҳамияти. // Ж. Педагогик таълим.– Тошкент, 2001. - № 3. -Б. 60-62.
3. Ниёзметова Р. Ўзбек адабиётини ўрганишда адабий тайёргарликни ўстириш. // Ж. Педагогик таълим. –Тошкент, 2001.-№ 4.-Б. 69-70.
4. Ниёзметова Р. Русийзабон гуруҳлар учун адабий материаллар танлаш йўллари. // Ж. Узлуксиз таълим. –Тошкент, 2002. - № 5. -Б. 58-62 .
5. Ниёзметова Р. Талабаларнинг ўзбек тили машғулотида адабий материалларни ўрганиш имкониятлари // Ж. Педагогик таълим. –Тошкент, 2003. -№ 6.- Б. 61-63.
6. Ниёзметова Р. Адабий материалларни ўрганишда ахборот технологияларидан фойдаланиш // Ж. Халқ таълими. –Тошкент, 2004. -№ 5. –Б.75-78.
7. Ниёзметова Р. Адабий материалларни ўқиш жараёнида луғат иши // Ж. Педагогик таълим. 2004. - № 6. –Б. 79-80.
8. Ниёзметова Р. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида адабий материалларни узвийликда ўрганиш масалалари // Ж. Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2005. -№ 1.-Б. 30-34.
9. Ниёзметова Р. Адабий матнни савол ва топшириқлар ёрдамида ўрганиш// Ж. Касб-ҳунар таълими. –Тошкент, 2005.-№ 6. –Б. 16-17.
10. Ниёзметова Р. Талабаларнинг синфдан ташқари ўқиш машғулоти раҳбарлик // Ж. Педагогик таълим. –Тошкент, 2005. - № 6. – Б. 47-49.
11. Ниёзметова Р. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида адабий матн юзасидан ўтказиладиган семинар машғулоти // Ж. Таълим ва тафаккур. –Наманган, 2006. - № 2. – Б. 16-17.
12. Ниёзметова Р. Ўзбек тили дарсларида адабий материалларни ўрганиш методлари хусусида // Ж. Таълим ва тарбия. –Тошкент, 2006. - № 1-, 2. - Б. 69-72.
13. Ниёзметова Р. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида адабий материалларни ўрганиш жараёнида талабаларни мустақил фикрлашга ўргатиш// Ж. Педагогик таълим. –Тошкент, 2006. -№ 2. – Б. 61-62.
14. Ниёзметова Р. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида адабий мавзудаги тадбирларда маъруза ва чиқишлар // Ж. Pedagogik ma'horat. –Бухоро, 2007. №2. - Б. 19-22.

Дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар

15. Йўлдошев Р., Тўхтамирзаев М., Рихсиева М., Ниёзметова Р. Ўзбек тили (рус мактабларининг 8 синфи учун дарслик).– Т.: Ўқитувчи, 2000. -110 б.
16. Йўлдошев Р., Тўхтамирзаев М., Рихсиева М., Ниёзметова Р. Ўзбек тили (рус мактабларининг 8-синфи учун дарслик).- Т.: Ижод дунёси, 2002. -110 б.

17. Йўлдошев Р., Тўхтамирзаев М., Рихсиева М., Ниёзметова Р. Ўзбек тили (қозоқ мактабларининг 8-синфи учун дарслик). -Т.: Ижод дунёси, 2002.-110 б.

18. Йўлдошев Р., Тўхтамирзаев М., Рихсиева М., Ниёзметова Р. Ўзбек тили (қирғиз мактабларининг 8-синфи учун дарслик). -Т.: Ижод дунёси, 2002.-110 б.

19. Йўлдошев Р., Тўхтамирзаев М., Рихсиева М., Ниёзметова Р. Ўзбек тили (тожик мактабларининг 8-синфи учун дарслик).-Т.: Ижод дунёси, 2002.-110 б.

20. Yo‘ldoshev R., To‘xtamirzayev M., Rixsiyeva M., Niyozmetova R. O‘zbek tili. Ta’lim tojik tilida olib boriladigan maktablarning 8 sinfi uchun darslik. –Т.: Ijod dunyosi, ikkinchi nashri. 2004.-110 b.

21. Yo‘ldoshev R., To‘xtamirzayev M., Rixsiyeva M., Niyozmetova R. O‘zbek tili. Ta’lim qirg‘iz tilida olib boriladigan maktablarning 8 sinfi uchun darslik. –Т.: Ijod dunyosi, ikkinchi nashri. 2004.-110 b.

22. Yo‘ldoshev R., To‘xtamirzayev M., Rixsiyeva M., Niyozmetova R. O‘zbek tili. Ta’lim qozoq tilida olib boriladigan maktablarning 8 sinfi uchun darslik. –Т.: Ijod dunyosi, ikkinchi nashri. 2004.-110 b.

23. Yo‘ldoshev R., To‘xtamirzayev M., Rixsiyeva M., Niyozmetova R. O‘zbek tili. Ta’lim turkman tilida olib boriladigan maktablarning 8 sinfi uchun darslik. –Т.: Ijod dunyosi, birinchi nashri. 2004.-110 b.

24. Niyozmetova R., Rafiyev A., Alavutdinova N. O‘zbek tili. Ta’lim rus tilida olib boriladigan umumta’lim maktablarining 5 sinfi uchun darslik. –Т.: Sharq, 2007.-125 b.

25. Ниёзметова Р. XX аср ўзбек адабиётини ўқитиш мазмунини белгилаш масалалари (Методик қўлланма). –Т.: ТДПУ, 2001. -104 б.

26. Muhammadjonova G., Niyozmetova R. 9-sinfda o‘zbek tili darslari. O‘qituvchi kitodi. Ta’lim rus va qardosh tillarda olib boriladigan maktablarning o‘qituvchilari uchun metodik qo‘llanma. –Т.: O‘qituvchi, 2006.- 141 b.

27. Rafiyev A., Niyozmetova R., Dulabov F. O‘zbek tili. Kasb-hunar kollejlarning rus guruhlarini uchun o‘quv qo‘llanma. – Т.: Ilm Ziyoi, 2006 -160 b.

Илмий тўпламларда эълон қилинган мақола ва тезислар

28. Ниёзметова Р. Ўзбек тилида яратилган адабий материаллар узвийлиги // Узлуксиз таълим жараёнини ўқув методик мажмуалар билан таъминлаш муаммолари: Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. 2001 йил, 11-12-май. – Тошкент, ЎзПФТИ, 2001. 230-232-б.

29. Ниёзметова Р. Русийзабон ўқувчилар онгига ўзбек миллий урф-одатлари, анъаналарини сингдириш // Ўзбек тили ва умуминсоний қадриятлар. Анжуман материаллари тўплами. 2002 йил, 18-19-октябрь. –Навоий, 2002. 18-22-б.

30. Ниёзметова Р. Адабиёт ва миллий маънавият // Ўзбек тили VII доимий анжумани материаллари. 2003 йил, 24-25 апрель. –Тошкент, Тезис 000 “Аср” матбуот, 2003. 91-б.

31. Ниёзметова Р. Ўзбек тили дарсларида мусобақа ўйинларидан фойдаланиш // Ўзбек тилшунослиги муаммолари. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2003. 88-92-б.

32. Ниёзметова Р. Таълим рус тилида олиб бориладиган касб-хунар коллежларида адабий-тарихий давр шарҳларини ўрганиш //Классик мерос ва ёшлар тарбияси. Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. ТДПУ, 2004 йил. 28 май. –Тошкент, 2004. 24-27- б.

33. Ниёзметова Р. Ўзбек адабиёти дарсларини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш // Филологик таълимда инновацион технологиялар. Илмий мақолалар тўплами. –Тошкент,ТДПУ, 2004. 24-27- б.

34. Ниёзметова Р. Дарс (машғулот)дан ташқари ишлар жараёнида адабий материалларни ўрганиш // Филологик таълим: муаммо ва ечимлар. Республика илмий-назарий анжумани материаллари. 2004 йил, 30 ноябрь. –Тошкент, -2004. 93-95- б.

35. Ниёзметова Р. Ўзбек тили машғулотларида адабий материалларни ўрганиш метод ва усуллардаги таълим босқичлариаро узвийлик // Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари (М.Асқарованинг 80 йиллигига бағишланган Республика илмий-амалий анжумани материалари тўплами). 2004 йил, 27 ноябрь. – Тошкент, 2005. 33-36 - б.

36. Ниёзметова Р. Ўзбек тили машғулотларида адабий материал билан Ўзбекистон табиати гўзаллигини ўзаро боғлаб ўрганиш // Ўзбек тили таълими жараёнида фанлараро боғлиқлик масалалари. Ўзбек тили доимий анжумани 8-йиғини материаллари. 2005 йил, 21-22 апрель. –Тошкент, 2005. 120-121- б.

37. Ниёзметова Р. Давлат тилини ўқитиш муаммолари // Истиклол ва тил. Илмий-амалий анжумани материаллари. 2004 йил, 19 октябрь. –Тошкент, ЎзДЖТУ, 2005. 140-142-б.

38. Ниёзметова Р. Ойбек ҳаёти ва ижоди юзасидан виставкалар ташкил этиш, адабий экскурсия ва адабий кечалар уюштириш тажрибаси // Ойбек – ўзбек халқининг буюк мутафаккири. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. 2005 йил, 23-24 май.–Ангрен, ТВДПИ, 2005. 155-158-б.

39. Ниёзметова Р. Тил ва маънавият // Миллий мустақиллик ва давлат тили равнақи. Илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. 2005 йил, 21октябрь. –Тошкент, ТОУКБЮ, 2005. 11-14 - б.

40. Ниёзметова Р. Ўзбек тили машғулотларида адабий матнни ўқиш // Тил ва адабиёт таълимида янги педагогик технологиялар. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. 2006 йил, 25 апрель. –Тошкент, 2006. 15-18 – б.

41. Ниёзметова Р. Русийзабон синфларда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш // Навоийга армуғон (бешинчи китоб). – Тошкент, 2006. 157-160- б.

42. Ниёзметова Р. Асарларни чуқурроқ таҳлил қилиб ўқиш дарслари (Р.Расуловнинг 60 йиллигига бағишланган “Илм зиёдир” тўплами). –Тошкент, 2006. 126-129-б.

43. Ниёзметова Р. Ўзбек тили дарсларида бадиий матндаги нотаниш сўзлар устида ишлашнинг айрим жиҳатлари. Ўзбек тили доимий анжумани 9-йиғини материаллари. 2007 йил, 19-20-апрель. – Тошкент, 2007. 186-187-б.

44. Ниёзметова Р. Адабий материалларни ўқиш ва таҳлил қилиш. Филологик таълим масалалари (Методист олима Туйғун Ниязметованинг 70 йиллигига бағишланган илмий мақолалар тўплами). –Тошкент, 2007. 47-52-б.

Педагогика фанлари доктори илмий даражасига талабгор Ниёзметова Роза Хасановнанинг 13.00.02 – таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек адабиёти) ихтисослиги бўйича “Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганишнинг назарий ва методик асослари (рус гуруҳлари мисолида)” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: узлуксизлик, академик лицей, касб-хунар коллежи, узвийлик, русийзабон ўқувчи, дарс, дарсдан ташқари ишлар, адабий материал, матн, матнни тушуниш, лексик ва грамматик тайёргарлик, бадий идрок, таълим мазмуни, метод, ўқитувчининг кириш сўзи, асар таҳлили, мустақил ўқиш, педагогик технология, ахборот технологияси, тажриба-синов.

Тадқиқот объекти: ўзбек тили дарслари ва дарсдан ташқари машғулотларда академик лицей ва касб-хунар коллежлари русийзабон ўқувчиларининг адабий материалларни бадий идрок этишларини таъминлаш, узвийлашган таълим мазмуни ва машғулотларнинг методик тизимини белгилаш ва амалиётга татбиқ этиш жараёни.

Ишнинг мақсади ўзбек тили дарсларида ва дарсдан ташқари тадбирларда русийзабон ўқувчиларга адабий материалларни ўргатиш мазмуни, шакллари, воситалари ва методларини илмий ўрганиш орқали умумий ўрта мактаб ҳамда академик лицей ва касб-хунар коллежларидаги адабий таълим мазмуни ва методлари орасидаги узвийликни таъминлашдан иборат.

Тадқиқот методлари: назарий ва мантикий таҳлил, моделлаштириш, педагогик тажрибани ўрганиш, кузатиш, суҳбат, сўровнома, ўқувчиларнинг бадий асарни ўзлаштириш даражаларини аниқлаш, тажриба-синов, математик-статистик таҳлил .

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: илк бор узлуксиз таълим тизимидаги ўзбек тили дарсларида русийзабон ўқувчиларнинг адабий материалларни ўзлаштириш, бадий идрок этиш имкониятлари аниқланди; академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун мўлжалланган адабий материаллар мазмунини такомиллаштиришга доир тавсиялар берилди; ўзбек адабиёти намуналарини ўрганишнинг методик ёндашув ва принциплари асосида матн устида ишлаш методикасини яратиш ғояси илгари сурилди; адабий материаллар юзасидан билим, кўникма ва малакалар минимуми белгиланди; ахборот технологияларидан фойдаланиб адабий материалларни ўрганиш шакллари, воситалари ва методлари ишлаб чиқилди.

Амалий аҳамияти: ўзбек тили дарсларида русийзабон ўқувчиларга ўзбек адабиёти намуналарини ўргатиш мазмуни, шакллари, воситалари, методлари ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш таълим самарадорлигини ошириш имконини беради.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқотнинг асосий ғоялари монография, дарслик, илмий-методик мақолалар, методик қўлланмаларда ўз ифодасини топган. Тадқиқот натижалари Тошкент шаҳар I педагогика коллежи, Чилонзор академик лицейи, ТДПУ қошидаги педагогика лицейи, Тошкент шаҳар Миробод академик лицейи, Ангрен шаҳар тиббиёт коллежи, Хоразм вилояти Ҳазорасп педагогика коллежида татбиқ этилган.

Қўлланиш соҳаси: тадқиқот натижаларидан педагогика олий ўқув юртларида, ўқитувчилар малакасини ошириш институтларида маърузалар ўқишда, шунингдек, ўқув дастури ва дарсликларнинг янги авлодини яратишда фойдаланиш мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Ниёзметовой Розы Хасановны на тему: «Теоретические и методические основы изучения узбекской литературы в непрерывной системе образования (на примере русских групп)» на соискание ученой степени доктора педагогических наук по специальности 13.00.02 – теория и методика образования и воспитания (узбекская литература)

Ключевые слова: непрерывность, академический лицей, профессиональный колледж, преемственность, учащийся-русский, урок, внеурочная работа, литературный материал, понимание текста, лексическая и грамматическая подготовка, художественное восприятие, содержание образования, метод, вступительное слово учителя, анализ произведения, самостоятельное чтение, педагогическая и информационная технология, эксперимент.

Объект исследования: процесс обучения художественному восприятию литературных материалов русских учащихся академических лицеев и профессиональных колледжей на уроках и внеурочных занятиях по узбекскому языку, определения методической системы последовательности содержания образования и занятий и внедрения её в практику.

Цель работы заключается в обеспечении последовательности содержания и методов литературного образования школ, академических лицеев и профессиональных колледжей путем научного рассмотрения содержания, форм, средств и методов обучения русских учащихся литературному материалу на уроках и внеклассных мероприятиях по узбекскому языку.

Методы исследования: теоретический и логический анализ, моделирование, изучение педагогического опыта, наблюдение, беседа, анкетирование, определение уровня усвоения учащимися художественного произведения, эксперимент, математический статический анализ.

Полученные результаты и их новизна: впервые определены учебные возможности русских учащихся художественного восприятия и усвоения литературного материала на уроках узбекского языка; выработаны рекомендации по совершенствованию содержания литературного материала; выдвинута идея создания методики работы над текстом на основе методических подходов и принципов изучения образцов узбекской литературы; установлен минимум знаний, умений, навыков по литературному материалу; разработаны формы, средства и методы изучения литературного материала с использованием информационной технологии.

Практическая значимость: использование содержания, форм, средств и современных педагогических технологий обучения русских учащихся образцам узбекской литературы на уроках узбекского языка является предпосылкой повышения эффективности образования.

Степень внедрения и экономическая эффективность: основные идеи исследования нашли своё отражение в монографии, учебниках, научно-методических статьях, в методических пособиях. Результаты внедрены в педагогическом колледже №1, Чиланзарском и Мирабадском академических лицеех г.Ташкента, медицинском колледже г.Ангрена, педагогическим лицее при ТГПУ, Хазараспском педагогическом колледже Хорезмской области.

Область применения: результаты исследования могут быть использованы при чтении лекций в педагогических вузах, институтах повышения квалификации учителей, при создании нового поколения учебных программ и учебников.

RESUME

Thesis of Niyozmetova Roza Hasanovna on the scientific degree competition of the doctor of pedagogical sciences, speciality 13.00.02 – theory and methodology of education (Uzbek literature): “Theoretical and methodological bases of learning Uzbek literature in the continuous system of education (in the Russian groups)”

Key words: continuity, academic lyceum, professional college, succession, Russian pupil, lesson, out-of-class activity, literary material, text comprehension, vocabulary and grammar training, fiction perception, content of education, method, teacher’s opening speech, analysis of a literary work, independent reading, pedagogical and information technology, experiment.

Object of research: the process of teaching fiction perfection of academic lyceums and professional colleges at the lesson and out-of-class activity in Uzbek, of determining methodological system of succession of the content of education and training and its applying in practice.

Aim of research is to ensure the succession of the content and methods of literary education of schools, academic lyceums and professional colleges by scientific considering the content, forms, means and methods of teaching literary material to the Russian pupils in class and out-of-class activity in the Uzbek language.

Methods of research: theoretical and logical analysis, modelling, exploring pedagogical experience, observing, talk, questionnaire, defining the level of learning fiction by pupils, experiment, mathematical statistic analysis.

The results achieved and their novelty: for the first time Russian pupil’s learning potentialities of fiction perception and mastering the literary material at the Uzbek lessons in the system of continuous education were defined; the recommendations on perfecting the content of literary material for the academic lyceums and professional colleges were worked out; the idea of originating methods of reading a text on the basis of methodological approaches and principles of learning beautiful pieces of the Uzbek literature was suggested; the minimum knowledge, habits and skills in literary material was established; the forms, means and methods of learning literary material by using the information technology were worked out.

Practical value: using content, forms, means and modern pedagogical technologies of teaching beautiful pieces of the Uzbek literature to the Russian pupils at the Uzbek lessons is a precondition for increasing efficiency of education

Degree of embed and economic effectivity: the main ideas of the research were reflected in the monograph, textbooks, scientific articles, methodological manuals were reflected. The results of the research were applied in the pedagogical college №1, Chilanzar and Mirobod academic lyceums in Tashkent, medical college in Angren, pedagogical lyceum of the Tashkent State Pedagogical University, and pedagogical college in the Khozarpasp tuman of the Khorezm province.

Sphere of usage: results of the research may be used while delivering lectures at the pedagogical higher educational institutions, institutes of raising the level of teachers’ professional skills, in compiling new generation of programs and textbooks.